O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



# АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 25-oktabr, yakshanba • №43(3833)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Арипов Раим Рауфович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Асадов Ҳасан Даминович (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Режевалиев Музафар Орунбаевич** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Утешов Аскарали Исметуллаевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**«Дўстлик» ордени билан**

**Бонадисев Сергей Александрович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

**Лифанов Владимир Федотович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар мудофааси бўлими бошлиғи

**Эшонкулов Ғанишер Мирзамаҳмудович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**«Жасорат» медали билан**

**Алиқулов Азамат Шерович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси отряди командири

**Бадриддинов Рўзимурод Меҳмонович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Жумагелдиев Курбанияз Якупбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

(Давоми 2-бетда).



# ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

**РЕПОРТАЖ**

***Куни кеча республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бошқарма, бўлим ва бўлинмаларда касб байрами тадбирлари бўлиб ўтди. Байрам арафасида ички ишлар идоралари томонидан эл-юрт тинчлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар яна бир карра эътироф этилади.***

Мустақиллик даврида ходимларнинг сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий-ижтимоий, маданий-маърифий билимлари, касбий, жанговар-жисмоний тайёргарлигини ошириш, ички ишлар идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Зотан, бугунги кунда тизим ходимларининг илғор тажрибалари, иш услублари жаҳондаги ривожланган давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан эътироф этилиб, катта қизиқиш билан ўрганилаётгани мамнуният уйғотади. Айни пайтда соҳанинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

... Эрталабдан ИИВ биносига ички ишлар идоралари ходимлари, узоқ йиллар меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган фахрийлар, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари бирин-кетин ташриф буюрдилар. Улар юзларида табассум, ўзгача ифтихор билан бир-бирларини касб байрами билан қутлашаркан, суҳбат ўз-ўзидан яна хизмат ҳақида кетарди.

(Давоми 3-бетда).

# МАҚСАДИМИЗ – ЭЛУ ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг барча ходимларини, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларини, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчи ва курсантларини, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини ва элимиз тинчлигини ҳимоя қилиб, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини, ички ишлар идораларининг фахрийларини **25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни** билан самимий табриклайман.

Ўз оромидан, тинчидан, ҳузур-ҳаловатидан, ҳатто ўз жонидан ҳам кечиб, Ватанимизда тинчлик ва осойишталикдек бебаҳо бойликни ҳимоя қилиб турган ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги машаққатли, аммо шарафли хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ.

2007 йили муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ушбу байрам муносабати билан ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган табригида зиммамизга бир қатор долзарб вазифаларни юклаган эдилар. Мана шу вазифалардан келиб чиқиб ички ишлар идоралари тизимларида самарали ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд 3500 дан ортиқ милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, тажрибали, билимли, маданиятли ва жонкуяр профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, яраштириш комиссиялари аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш борасида жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Албатта, ходимларимизни тарбиялашда фахрийларимиз ҳам ўзларининг беминнат ёрдамларини аяшмаяпти. Президентимиз ҳам буни алоҳида эътироф этиб, **«Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг янги авлодини тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшаётган ички ишлар идоралари фахрийларига самимий миннатдорчилик изҳор этаман»,** деб уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирган эдилар.

Шу билан бирга, муҳтарам Юртбошимиз томонидан вазифа қилиб қўйилган **«Бирон-бир кекса инсон давлат ва жамоат эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим»,** деган талабни ўзимизнинг бош вазифамиз деб билган ҳолда қарияларни қадрлашни, ёши улугларни ҳурмат қилишни энг биринчи галдаги вазифамиз, деб биламиз.

Маълумки, мустақилликнинг ўтган даври ички ишлар идоралари ходимларини жуда катта синовлардан ўтказди. Кўплаб ички ишлар идоралари ходимлари хизмат вазифаларига виждонан ёндашиб, жасорат намуналарини кўрсатдилар ва улар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан муносиб тақдирландилар.

Бу йил ҳам давлатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида 32 нафар, Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан яна 32 нафар ходимларимиз юртимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди.

Ўзбекистон ҳам дунёдаги ҳеч бир давлатдан кам бўлмаган ҳолда тараққиётга интилиб, барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Албатта, бунда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Бироқ хотиржамликка берилиш, огоҳликни ва ҳушёрликни йўқотиш сира мумкин эмас. Аксинча, ҳар қандай таҳдидларни, кутилмаган хуружларни бартараф этишга доимо тайёр туришимиз зарур.

Чунки, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: **«Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай балоқазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади».**

Бу эса ўз навбатида бир қатор вазифаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этади.

**Энг аввало,** профилактика хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этишга олиб келадиган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларимизни яна бир бор қайта кўриб чиқишимиз керак.

**Иккинчидан,** жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг, айниқса, профилактика инспекторларининг халқ ичига янада чуқурроқ кириб боришига эришмоғимиз зарур.

**Учинчидан,** турли ниқоблар остида пайдо бўлаётган ҳар хил кўринишдаги ёт иллатларни ўз вақтида аниқлаб, уларни зудлик билан барҳам бериш чораларини кўриш лозим.

**Тўртинчидан,** ҳар бир ходимни халқ дарди, ташвишлари ва муаммолари билан бирга яшашга, уларни ўз дарди деб билишига эришиш. Маҳаллада рўй берган ҳар қандай муаммони ечишда бор куч, имкониятларни ишга солиб, халқ ҳурмати-эътиборини қозониш шарт.

**Бешинчидан,** замон шиддат билан ривожланаётган экан, ундан сира ортда қолмаслик, янги техника, технологияларни ўзлаштириш, хизматларни модернизация қилиш, янги усул ва услублардан самарали фойдаланиш йўлларини излаб топиб ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.

Барчангизни яна бир бор касб байрамингиз билан муборакбод этиб, эл-юрт тинчлигини таъминлашдек муқаддас ва шарафли вазифангизни аъло даражада адо этишингиз учун мустаҳкам соғлик, метиндек ирода, жасорату матонат, масъулиятли ва шарафли ишларингизга улкан зафарлар тилайман.

**Б. МАТЛЮБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**Жаркинов Қодир Алиевич** – Самарқанд вилояти Ургут тумани Ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг ҳарбийлаштирилган қисми смена бошлиғи

**Мадаюпов Элмурод Солижонович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**Расулов Нематжон Собирович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати бригадаси инспектори

**Тожибоев Абдусамад Абдурашидович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционер-ҳайдовчиси

**Тошназаров Шухрат Мирмуҳамадович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Шеров Икром Анорович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Бадалбоев Маннон Якубович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми катта инструктори

**Жўрабоева Нигора Абдураҳмоновна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази инспектори

**Измайлова Наталья Викторовна** – Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ички ишлар бошқармаси статистика гуруҳи катта инспектори

**Қаршибоев Убайдулла Атауллаевич** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Колонов Азамжон Обидович** – Фарғона вилояти Данғара тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мирзамов Салимжон Тўхтабоевич** – Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Ички ишлар бўлимининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи ўринбосари

**Муяссаров Асрор Акрамович** – Бухоро вилояти Пешку тумани Ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

**Пармонов Истам Исломович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг катта инспектори

**Раимқулов Ниғматилла Жумадуллаевич** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Сапартаев Шамурат Янашевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Умирзоқов Ильёс Сафарбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**«Шуҳрат» медали билан**

**Болтаев Хожибой Ўринович** – Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Зикиров Чори Тошпўлатович** – Сурхондарё вилояти Ангор тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Маматов Акбарали Абдимиталович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси милиционери

**Миразов Даврон Мирагзамович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи

**Ширназарова Санобар Патхидиновна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Интерпол» миллий марказий бюроси котибияти бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

# УНВОН МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

**Юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўрсатаётган фидокорона хизматлари ҳамда Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги полковник махсус унвони берилди.**



**Муҳамедов Саъдулла Фатхуллаевич** – ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи.



**Эркулова Пардахол Курбоновна** – Қашқадарё вилояти ИИБ Тергов бошқармаси катта инспектори.



**Авазов Санжар Раҳмонович** – Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи.



**Атаев Икрам Исмаилович** – Хоразм вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи.



**Сагатов Мирафзал Мирбабаевич** – Транспортдаги ИИБ алоҳида милиция батальони командири.



**Муҳаммадалиев Дилмурад Сидиқович** – ИИВ Академияси кафедра бошлиғи.

ТАДБИР

# ТААССУРОТГА БОЙ БЎЛДИ

Тошкент шаҳар ИИББда ўтган навбатдаги Маърифат дарсини иштирокчилар кўп вақт эслаб юрадиган бўлишди. Машғулотда республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов иштирок этиб, йиғилганларни яқинлашиб келаётган касб байрами – Ички ишлар идоралари ходимлари куни билан барча фахрийлар номидан самимий қутлади. Устоз отахон ички ишлар ходимлари, айниқса, ёшларни ҳалол, виждонан хизмат қилишга, халқ, Ватан ишончини оқлаш, учун фидойи бўлишга чақирди.

Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Жўраев ҳам иштирок этиб, ички ишлар идоралари ходимларининг ғоят масъулиятли ва шарафли ишларини ёритиб боришда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида гапириб берди ҳамда барча ички ишлар идоралари ходимларини касб байрами билан табриклаб, Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат мавзусидаги шеърларидан ўқиб берди.

Шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Қ. Нақибов бугунги кеча-кундузда ички ишлар ходимлари олдида турган асосий вазифалар хусусида гапирди.

Маърифат дарси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

ТУҲФА

***Қутлуғ байрамга улуғ зафарлар ярашади, деганларидек, ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами арафасида вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари тўйга тўёна билан келдилар. Шахсий таркибнинг аҳиллик билан олиб борган ишлари самарасида бунёд этилаётган спорт-маиший мажмуа қурилиши ниҳоясига етди.***

# ЯНГИ МАЖМУА



Кўзни қувонтирувчи кўркам бинонинг биринчи қаватида 100 кишилик ошхона, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, оғир атлетика ва бошқа турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган ҳашаматли спорт зали жойлашган. Эътиборга молик томони шундаки, бу спорт залда республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам ўтказиш имконияти мавжуд. Иккинчи қаватдан эса дам олиш, ювиниш хоналари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Эндиликда мажмуага ташриф буюрган ходимлар сартарош ҳамда тикувчи хизматидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Мазкур иншоот вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ҳамда 1-алоҳида милиция батальони шахсий таркибининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланиши ҳамда касбий ва жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қилади.

Жорий йилда қўриқлаш бўлими томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бугина эмас. Шунингдек, «Мубораконефтгаз» унитар шўъба корхонаси ва 2-алоҳида милиция батальони шахсий таркиби учун Қоровулбозор туманида жойлашган маъмурий бино замонавий услубда таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Бухоро ва Когон шаҳарлари ҳудудидаги тоифаланган ва бошқа иқтисодиёт объектларини қўриқлашга масъул бўлган 3-алоҳида милиция батальони шахсий таркиби ҳам барча шарт-шароитларга эга янги бинога кўчиб ўтди.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ.**
*Бухоро вилояти.*

МИННАТДОРЛИК

# КАСБИДАН БАРАКА ТОПИШСИН!

*Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сиддиқов номига Қўрғонтепа тумани Қорасув шаҳар Мустақиллик маҳалласи фуқароларидан миннатдорлик мактуби олинди. Унда номаълум кимса томонидан вояга етмаган қизчанинг таҳқирланиши воқеаси маҳалла аҳлини жунбушга келтиргани ҳақида баён қилинган.*

*Мазкур жиноят бўйича тузилган тергов-тезкор гуруҳига Қорасув шаҳар ИИБ бошлиғи, майор М. Нишонов раҳбарлик қилди. Ходимларнинг юксак касб маҳоратлари, тиним билмай заҳмат чекканлари боис, жиноят қисқа фурсатда фош этилиб, разил кимса ушланди.*

*«Жиноятчи қонун бўйича жазоланишига аминмиз. Биз ушбу жиноятни очишда фаоллик кўрсатган майорлар М. Нишонов, Д. Раҳимов, катта лейтенант Э. Абдужалилов, профилактика катта инспектори, майор А. Шокиров, капитан Ш. Ҳайдаров ва бошқа ходимларга чуқур миннатдорлик билдирамиз. Касб-корларингизга омад ёр бўлишини тилаймиз», дея битилган хатга С. Зулунов, М. Исроилов, К. Мўминов, К. Абдурасулов каби бир гуруҳ меҳнат фахрийлари имзо чекишган.*

# ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Соат 10.00. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти бир гуруҳ фахрийлар ҳамроҳлигида залга кириб келишди. Вазир тантанали йиғилишни очиқ деб эълон қилгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ички ишлар идораларининг барча шахсий таркиби ва фахрийларини байрам билан муборакбод этиб, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳа ходимларига муваффақият тилади.

Республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник У. Гаппаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб эшиттирди. Вазир, генерал-лейтенант Б. Матлюбов гулдурос қарсаклар остида давлат мукофотига сазовор бўлган ходимларга мамлакатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медалларни топширди. Шу билан бирга, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, бир гуруҳ ходимларга навбатдаги полковник махсус унвони берилди.

Таъкидлаш жоизки, элу юрт осойишталигига рахна солмоқчи бўлган диний-экстремистик оқимларга қарши курашиб, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган подполковник Ҳасан Асадовнинг жасорати Президентимиз томонидан II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди. Бу юксак мукофот унинг ўғли — Феруз Асадовга тантанали равишда топширилди.



— Отамнинг бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлиши келажакдаги режаларимни ўзгартириб юборди, — дейди кўкрагида республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов шахсан тақиб қўйган орден ялтилларкан. — Мен ҳам отам сингари қонун ҳимоячиси бўлиб, юртимиз, халқимиз осойишталигини таъминлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Дўстлик» ордени соҳиби Тошкент шаҳар ИИББ бўлим бошлиғи, полковник В. Лифанов, Тошкент шаҳар ИИББ Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири ўринбосари, сержант Ш. Тошназаров, Хоразм вилояти Урганч тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Х. Болтаев Юртбошимиз томонидан билдирилган юксак эътироф учун ўз миннатдорлигини изҳор этиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бор куч-ғайратларини ишга солишга ваъда бердилар. ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимов сўзга чиқиб, ички ишлар идоралари фахрийларининг тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ходимларга ўз бой тажрибаларини ўргатиб, эзгу ишларни амалга оширишда ҳамкору ҳамдам бўлишаётганини таъкидлади.

Мукофотланганлар орасида ҳам ички ишлар идоралари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларини, ҳам оиладаги бурчларини сидқидилдан, бекаму кўст бажариб келаётган аёлларнинг борлиги кишини қувонтиради.




— Хизматларимнинг Ҳукуматимиз, вазирлик раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиши мени жуда руҳлантирди, — дейди ИИВ Ахборот маркази инспектори, майор Н. Жўрабоева. — «Содиқ хизматлари учун» медали нафақат менга, балки мен билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган барча ходимлар фаолиятига берилган юксак баҳо, деб биламан.

— Хизмат вазифасини бажараётган ҳар бир ходим мукофот олиш учун ёки бошқа бирор манфаат кўзлаб бурчини адо этмайди. Бироқ меҳнатининг қадр топишини жуда истайди. Шу боис менга вазирлик, Бош бошқарма раҳбарияти тавсияси билан берилган «Жасорат» медалининг барча ҳамкасбларимга ҳам насиб этишини хоҳлайман, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири ўринбосари, сержант Ш. Тошназаров.

Бугунги байрам шодиёнаси муносабати билан кўплаб ходимларимизнинг сермашаққат, аммо шарафли меҳнатларининг ўз баҳосини топаётганидан хурсандлигини сўз билан таърифлаш қийин. Зеро, Ватанга хизмат — олий ҳиммат, деб бежиз айтилмаган. Ана шу хизматларида ички ишлар ходимларига омад ёр бўлишини яна бир бор тилаб, касб байрамлари билан муборакбод этамиз.

Тантанали йиғилишдан сўнг ИИВ Ашула ва рақс ансамбли, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи санъаткорлари ҳамда таниқли хонандалар ижросида байрам концерти намойиш этилди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА,**
**майор.**

**Суратларда:** тантанали тадбирдан лавҳалар.
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

# ШАРАФЛИ КУН ШОДИЁНАСИ

**Бугунги кунда республика Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби элу юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёр, бу борада жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонларни ўз сафида бирлаштирганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир. Айнан шундай инсонларнинг меҳнати билан ички ишлар хизмати давлатимиз ва жамиятимизнинг чинакам таянчи, адолат ҳимоячиси сифатида юртдошларимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.**



Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз тараққиётида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва улуғвор ишларда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Элу юрт осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш борасида кечаю кундуз тинимсиз хизмат қилиб келаётгани таҳсинга лойиқ.

Мана, уч йилдирки, 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида кенг нишонланиб келинаётир. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» санъат саройида соҳа ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали концерт бўлиб ўтди. Кийим-бошлари қадди-қоматларига ярашган ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари бир-бирларини касб байрами билан табриклашар экан, уларнинг юзларидаги қувонч, дилларидаги фахр туйғуси шундоққина сезилиб турарди. Шундай тантанали кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватан сарҳадлари дахлсизлиги, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жиноятчиларга қарши курашда жонларини қурбон қилганлар ёдга олиниб, уларнинг оила аъзолари ҳам байрамга таклиф этилдилар.

Ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, нафақа гаштини суриш баробарида ёшлардан бой тажрибасини аямай, ўргатиб келаётган фахрийлар ва ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига қимматбаҳо эсдалик совғалари тантанали суръатда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунига бағишланган концерт дастури она-Ватан, юрт истиқболини мадҳ этувчи гўзал қўшиқ билан бошланди. Концерт дастурида янграган ички ишлар идоралари ходимларининг жасоратини, жиноятчиликка қарши курашда ҳалок бўлган ҳамкасбларимизнинг порлоқ хотирасига бағишланган қўшиқлар ҳам тадбир қатнашчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Байрам қатнашчилари таниқли хонандалар Равшан Комилов, Авазбек Олимов, Анвар Санаев, Анвар Ғаниев, Тожибар Азизова, Ойпопук Эшонхонова каби санъаткорларнинг Ватан, садоқат, вафо, муҳаббатга йўғрилган қўшиқларини тинглаб, чиройли, нафис рақсларни томоша қилиб ҳордиқ чиқаришди. Сўз усталари Обид Асомов, Мирзабек Холмедов, Валижон Шамсиевларнинг ичакузди ҳангомалари барчага манзур бўлди. Шунингдек, республика ИИВ Ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар ҳам йиғилганларни хушнуд этди.

**Ўз мухбиримиз.**



**Ишончингиз комил бўлсинки, сизларнинг одамлар осойишталигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз доимо юксак қадрланади.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## 25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ЭЛ ТИНЧИНИ АСРАШ – ЭНГ УЛУҒ БАХТДИР!

Ватанимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимиз барқарорлиги, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда эътибор жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда муҳим омиллардан ҳисобланган уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтириш, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш, профилактика хизмати ролини ошириш, шунингдек, республикада ёнғин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов доимо таъкидлаганларидек: «Биз, ички ишлар идоралари ходимлари халқ хизматкоримиз, шу боисдан ҳамиша фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишимиз, уларнинг тинчлик, осойишталигини сақлашимиз, яхши-ёмон кунларида ёнларида бўлиб, қувонч ва ташвишларига шерик, дардларига малҳам бўла олишимиз зарур. Ана шундагина халқ бизни посбоним деб, ҳурмат қилади, эъзозлайди». Мен ҳам эл осойишталигини сақлашдек шарафли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётганимдан, энг муҳими, дунёга машҳур, бағрикенг, оққўнгил ва меҳнаткаш халқимнинг бир беминнат хизматкори сифатида унинг корига яраётганимдан бахтиёрман. Шу боис бугун ўзининг касб байрамини нишонлаётган ҳамкасбларимни қутлуғ айём билан муборакбод этиб, уларга мустақил Ўзбекистонимиз ички ишлар идоралари истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўл тўғрисида мулоҳазаларимни баён этишга ҳақлиман, деб ўйлайман. Зеро, бу қисқа давр ичида мазкур соҳада мақташга арзигулик оламшумул ишлар амалга оширилганини барчамиз ўз кўзимиз билан кўрдик, гувоҳи бўлдик, кўпчилигимиз эса бевосита иштирок этдик.

Ходимларимизнинг халқ билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

*Қучоқ очиб халқ*
*ичига борайлик,*
*Бутун кучни*
*халқ ичидан олайлик!*

– деган эди машҳур шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон. Бу мисралар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Зеро, фуқароларнинг яшаш жойларида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тузилганлиги аҳоли ўртасида жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни олиб бориш ҳамда жамоат тартибини сақлашда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ўн бир мингдан ортиқ маҳаллаларнинг аксариятида жиноятчилик кескин камайишига эришилгани, уч мингдан ортиқ маҳаллада эса умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани фикримизнинг далилидир.

Юртимизда 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни, деб белгиланган барча осойишталик посбонларига юксак эътибор намунаси, десак адашмаган бўламиз. Шу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримов ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган байрам табригида бизнинг хизматимиз нақадар масъулиятли, шу билан бирга, ғоятда шарафли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг барча хизматлари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳар бир ходими ўз бурчини ҳалол, виждонан адо этиши зарурлигини қайд этиб, олдимизга бир қанча вазифалар қўйилди. Ушбу вазифалар бугунги кунда шахсий таркибнинг жамиятимизда барқарорлик ва жамоат хавфсизлиги, элу юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртбошимизнинг табригидаги вазифаларга амал қилиниб, кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Биринчи галда, ёшлар ўртасида профилактик ишлар самарадорлиги оширилиб, жиноятларни зудлик билан очиш ва содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминловчи тезкор-қидирув ва тергов тизими такомиллаштирилди.

Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятларига айланди. Улар фаолияти биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратилди.

Трансчегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, уларни етказиб бериш ва тарқатиш манбаларига, одам савдоси деб аталувчи жирканч жиноятга қарши курашишда бу соҳа бўйича жавобгар бўлган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тизимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишлари кучайтирилиб, аввало, ички ишлар ходими деган номга нолойиқ кишилардан халос этишга эришилаяпти. Ходимларнинг маънавий онги ва дунёқарашини оширишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида: «Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин», деб таъкидланган бежиз эмас, албатта. Чунки, маънавияти юксак ходимгина бугунги мураккаб замонда, ўз олдига қўйилган вазифани оғишмай уддалай олади. Шу боисдан, вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан ходимларни ўқитиш, уларни Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз жасоратига содиқлик руҳида тарбиялаш диққат марказида. Ўз теварагига эллик минг нафардан ортиқ фахрийларни бирлаштирган республика ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзолари ҳам жойларда учрашувлар ўтказиб, ички ишлар ходимлари, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат туйғуларини уйғотишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, шахсий таркибни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Фахрийлар, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган ходимларимизнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ички ишлар ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш вазирлигимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборидаги масалага айланди.

Ўзларига кўрсатилган эътибордан руҳланган ҳамкасбларимиз эл тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида мураккаб ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этиб келмоқдалар. Уларнинг хизматлари мамлакатимиз ҳукумати ва Вазиримиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Биргина 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида хизмат вазифасини бажаришга сидқидилдан ёндашиб, фидойилик намуналарини кўрсатган олтмиш нафардан ортиқ ходимларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, юздан ортиқ ходимларимиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқлар, икки мингга яқини эса қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилдилар.

Ходимларимиз мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳатто ҳаётларини аямасдан зиммаларига юклатилган жанговар вазифаларни шараф билан бажаришаяпти. Сўнгги ўн йил мобайнида террорчилик ҳаракатларини бартараф этиш ва бевосита жиноятчиларни қўлга олиш пайтида юздан ортиқ ходимларимиз қасамёдларига содиқ қолиб, ўз жонларини қурбон қилишди. **«Бугун биз фуқароларнинг тинч ҳаёти ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида жонини фидо этган ходимларнинг ёрқин хотираси олдида бош эгамиз»,** деган эдилар муҳтарам Юртбошимиз эли, юрти деб жонидан кечган ходимларимизни ёд этиб. Биз ҳамиша уларнинг порлоқ хотирасини қалбимизда сақлашимиз, бевақт хазон бўлган умрлар ҳаққи-ҳурмати бу тинч, ёруғ кунларнинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз зарур.

Ҳаммамизга маълумки, ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлашда юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари – ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. ИИВ Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ташкил қилинди. Ушбу таълим муассасаларини битириб чиққан ёш мутахассис-кадрлар бугунги кунда сафларимизнинг асосий қисмини ташкил этмоқда. Ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти. Шу ўринда республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда вилоятлар ИИБларида фаолият кўрсатаётган спортчи-ходимларимиз нафақат республика, балки халқаро мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишаётгани қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Маълумки, ички ишлар идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб, жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш анча мушкул. Шу боисдан, бугунги кунда ходимларимиз замонавий мебеллар, зарур иш қуроллари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хизмат хоналари, жаҳон андозаларига мос техникалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси ҳамда алоқа воситалари билан таъминланди. Жиноятларни тезкорлик билан очиш ва жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш имкониятларига эга, самарали тезкор-қидирув тизими яратилди. Замонавий моддий-техника ва криминалистик базага эга бўлган тергов аппаратлари шакллантирилди.

Бир сўз билан айтганда, ишлаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё, биз, ички ишлар идоралари ходимлари учун зиммамизга юклатилган вазифаларни ўз вақтида, сидқидилдан бажариш қолди, холос. Шундай экан, ҳар бир ҳамкасбимиз ўзига билдирилган бу юксак ишончни оқлаш, халқ посбони деган шарафли номга муносиб бўлиш учун бор билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини ишга солиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўз тегмасин, бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бунда бошқа соҳалар сингари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати ғоят беқиёсдир. Ҳамкасбларимиз ҳар бир жабҳада элга ҳамкор, мададкор бўлиб келишмоқда. Энг муҳими, халқимиз уларнинг хизматидан миннатдор. Буни ҳар куни Ички ишлар вазирлигига мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва шаҳарларида, чекка қишлоғу овулларида яшовчи юртдошларимиздан, турли касб эгаларидан келаётган миннатдорлик хатларидан ҳам билиш мумкин. Ҳа, эл-юрт тинчини асраш энг олий бахтдир. Бунга мушарраф бўлаётганлар эса энг бахтли инсонлардир.

Бугунги қувончли ва шукуҳли кунларда республикамиздаги барча ички ишлар идоралари ходимларини касб байрами билан қутлаб, эзгу ва шарафли ишларига улкан зафарлар, ўзларига эса оилавий бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайман.

*Эй сафдошим,*
*мағрур тутгил бошингни,*
*Эл олқишин олганлар шод,*
*хушбахтдир.*
*Асрай олгил,*
*порлоқ бахт қуёшингни,*
*Эл тинчини асраш —*
*энг олий бахтдир!*

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**
**полковник.**



ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# МАСЪУЛИЯТ МУВАФФАҚИЯТ ДЕМАКДИР

**Ёшлигидан терговчилик касбига бўлган ҳавас Ҳамид Ҳайдаровни ИИВ Тошкент олий мактаби сари етаклади. У олий таълим муассасасида таҳсил олгач, ҳозирги Учтепа тумани ИИБ тергов бўлимида хизмат бошлади.**



Бўлимда тезда ишга киришиб, кўникма ҳосил қилган Ҳ. Ҳайдаров жамоадошлари, раҳбарият назарига тушди. Унинг касбига бўлган садоқати, тиришқоқлиги, топшириқларни ўз вақтида ва пухта адо этиши раҳбарият томонидан эътиборга олиниб, бўлинма бошлиғи этиб тайинланди.

Хизматга хос бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишда Ҳамид Ҳайдаров устозлари – истеъфодаги полковниклар Мирюнус Шоюнусов, Ҳусан Кўчқоров, истеъфодаги подполковник Эркин Нуриддиновнинг ўгитларига таянди ва ҳозир ҳам улардан маслаҳат олиб туради.

— Бугунги эркин жамият қурилиши йўлидаги тезкор ривожланишлар ҳар бир соҳа ходимларини ҳам жиддий ўйлаб, кенгроқ фикр юритишга ундайди, – дейди Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Ҳамид Ҳайдаров. – Ҳаётда билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётган инсонларга, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига йўл қўйилган хатонинг оқибатларини тўғри тушунтириб, ҳар бир ишни адолат тарозуси билан ҳал этиш шу соҳа ходимларининг масъулиятли вазифасидир. Тергов мураккаб жараён, шундай экан, терговчи оқни қорадан ажрата олиши учун масъулият билан чуқур билим ва тажрибага суянган ҳолда иш тутмоғи лозим. Масъулият – муваффақият гарови, дейишади. Бу гапда катта маъно бор. Терговчиларнинг олиб бораётган хизматлари жараёнида ашаддий жиноятчилар билан бир қаторда тўғри йўлдан адашган инсонларнинг ёки навқирон ўспиринларнинг тақдири, келгуси ҳаёти ётади.

Дарҳақиқат, содир этилган жиноятни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, суд идораларига тақдим этилишида олиб борилган терговнинг, терговчининг қатъий ва аниқ хулосалари асосий ҳужжат ҳисобланади. Терговчи ўз соҳасининг асл билимдони даражасига етишган тақдирдагина содир этилган жиноятнинг илдизини очишга эришади. Жиноятчининг қилмишлари ҳақида тўпланган ҳар бир маълумот шу жиноят ишининг кейинги тақдири учун кўп жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Ҳамид Ҳайдаров ана шуларни чуқур ҳис этиб, масъулият билан ёндашиб иш кўраётгани боис, муваффақиятга эришмоқда.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. Мустақилликнинг ўн саккиз йиллиги арафасида бир гуруҳ ички ишлар ходимлари қатори Президентимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Ҳамид Ҳайдаров турмуш ўртоғи Саноатхон билан икки ўғил ва бир нафар қизларининг тарбияси учун ҳам вақт ажратишга одатланишган. Катта ўғли Ойбекжон отасининг изидан боришга қарор қилди ва ИИВ Академиясини бу йил имтиёзли диплом билан тугатиб, Чилонзор тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБда хизмат бошлади.

Ҳамид Ҳайдаровнинг ўзи ҳам устоз даражасига етиб, шогирдларига хизматнинг сир-асрорларини эринмасдан ўргатмоқда. Майорлар Алишер Абдуллаев, Абдуғаффор Мамажонов, капитан Акром Раҳматуллаев ва бошқалар устозларига ҳавас қиладилар.

Ҳамид Ҳайдаров каби Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга бор куч-ғайратини сарфлайдиган, фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тайёр, ҳар томонлама етук ходимлар кўпаяверса, жиноятчиликнинг илдиз отишига йўл қўйилмайди.

**Жамила ЭШОНҚУЛОВА.**

КАСБИМ – ФАХРИМ

**Тизимда амалга оширилган ишларни олдингиси билан қиёслайдиган бўлсам, ер билан осмонча фарқ бор. Ходимларнинг хизмат самарадорлигини оширишлари учун улар замонавий техника, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланди. Шу билан бирга, хизмат хоналари бунёд этилиб, дам олиш, кутубхона ва бошқа маданий-маиший хоналар ходимлар ихтиёрига берилди. Буни истиқлол меваси, дейиш мумкин.**

# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ислоҳотлар самарасида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг милиция таянч пунктлари билан битта бинода жойлашганлиги аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратди. Энди фуқаролар бирор-бир юмуш билан узоқ масофа босиб туман ёки шаҳар марказига келишига ҳожат йўқ. Ҳар қандай муаммо жойида ўз ечимини топмоқда.

Мустақиллик йиллари менинг ҳаётим кўплаб қувончли воқеаларга бой бўлди. Камтарона хизматларим юксак қадрланиб, Юртбошимиз фармони билан «Жасорат» медали билан тақдирландим. Қолаверса, мана уч йилдирки, мамлакатимизда 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Албатта, бундай эзгу ишларнинг барчаси Юртбошимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз ишончини қозониб, она-Ватанга, юртга содиқ хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани уддалаб келаётган барча ҳамкасбларимни касб байрами билан самимий қутлайман!

**Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**майор.**
**«Жасорат» медали соҳиби.**
*Қашқадарё вилояти.*

КАСБ АРДОҒИДА

# АКА-УКАЛАР БИР САФДА

**Инсон учун фарзандларининг камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Болаларнинг атрофингда парвона бўлиб, оғирингни енгил қилиб юрса кимнинг боши осмонга етмайди, дейсиз.**



Абдурашид ака Имомназаров қурувчи-муҳандис мутахассислиги бўйича диплом олгач, йўлланма билан Сирдарё вилоятига ишга юборилади. Турмуш ўртоғи Салима опа билан қўриқ вилоятида яшаб, тўрт ўғил, бир қизга ота-она бўлишди. У кўплаб муҳим объектларни бунёд этилишида иштирок этган, тажрибали муҳандис сифатида тилларга тушди. Салима опа мактабларда ўқувчиларга физика-математика фанидан сабоқ берди. Ҳозирги кунда ҳар икковлари нафақада дам олиб, фарзандлар, неваралар ардоғида умргузаронлик қилишяпти.

– Мен ўғилларимдан бири касбимни эгаллайди, деган умидда эдим, – дейди Абдурашид ака Имомназаров. – Тўнғичимиз молия соҳасини танлади. Иккинчи ўғлим Отабек ички ишларда хизмат қилишга болаликдан қизиқарди. Бу шунчаки ҳавас бўлса керак, деб ўйлагандим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ички ишлар идорасига ариза бериб келдим, деди. Унинг раъйини қайтармадик. Чунки, инсон ўзи қизиқиб, севиб танлаган касбида ишлаши керак. Унинг ортидан укаси Дилшод эргашди. Кенжамиз Дилмурод акалари ишдан келганда хизмат кийимини кийиб кўрар, ярашдими деб менга, онасига кўрсатарди. Армия хизматидан кейин у ҳам Отабек ва Дилшод изидан борди. Бир томони жуда қувондим. Уларнинг элу юрт корига ярагани учун ҳам фахрланаман.

– Ўқувчиларимдан бирортаси ички ишлар хизматига кирганини эшитсам, негадир ўғилларимдан бирортасини ҳарбий ёки ички ишлар ходимининг хизмат кийимида кўрармиканман деган ният қилардим, – дейди Салима опа. – Отабек дастлаб ички ишлар ходими кийимида уйга кириб келганида қувонганимдан йиғлаб юборибман. Унинг ортидан яна икки ўғлим эргашиб, юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш хизматига кирди. Орзуимга етганимдан жуда бахтиёрман.

Капитан Отабек Имомназаров Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қиляпти. Кичик сержант Дилшод Имомназаров вилоят ИИБ ҲООБга бевосита бўйсунувчи вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида навбатчи-милиционер. Кенжа ўғил, кичик сержант Дилмурод Имомназаров эса вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология марказида кинолог.

Ака-укаларнинг уйда жамулжам бўлишлари чинакам байрамга айланади. Чунки, бундай кунлар камдан-кам бўлади. Бири хизматдан келса, иккинчиси навбатчиликка кетади, учинчиси қандайдир тадбирда иштирок этаётган бўлади. Ака-ука Имомназаровларнинг хизматига омад, ота-оналарига эса уларнинг камолу роҳатини кўриб юришларини тилаймиз.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

***Суратда:*** *Отабек, Дилшод ва Дилмурод Имомназаровлар ота-оналари билан.*



ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

# ТУНУ КУН БЕДОР ХОДИМЛАР

**Бу ходимлар туну кун хизматда эканлигига доимо гувоҳмиз. Шулар борлиги учун ҳам вақтнинг қай маҳали бўлишидан қатъи назар ҳеч қандай ҳадик ва хавотирсиз турмуш ташвишларимизни ҳал қиламиз. Уларнинг бизга яқинлиги ва ҳамиша ҳушёрлиги кўнглимизга далда бўлади.**

Шу йил ёз фаслининг ўрталарида Нукус шаҳридаги бозор одатдагидек гавжум бўлиб, ҳар ким ўз ташвиши билан банд эди. Бу ерда пайдо бўлган беруний-лик Анвар расталарни айланар, аммо ҳеч нарса харид қилмай, нуқул ён-атрофга олазарак қарарди. Мазкур ҳудудда хизмат қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари бундан шубҳаланиб, унга яқинлашишганда айби борнинг тиззаси қалтирайди, деганларидек тамоман шалвираб қолди. Ходимларнинг ички туйғуси алдамаган экан. Холислар иштирокида Анвар текшириб кўрилганда ёнидан 2,5 гр. героин топилди.

Тахиатошлик, тавбасига таянмаган 27 ёшли Б. Бауржан олдин ҳам ўғирлик қилиб, жазо муддатини ўтаб чиқишига қарамай тунги соат 23.00 ларда Хўжайли шаҳридаги марказий автовокзал ёнида жойлашган, Шолпан Ермуратовага тегишли заргарлик дўконининг ойнасини уриб синдириб, ичкарига кирди. Шу атрофда хизмат қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряди ходимлари, сафдор Б. Токимбетов ва кинолог, катта сержант Б. Сагидуллаев Альфа лақабли хизмат ити билан тезда воқеа жойига бориб, жиноятчини қўлга олишди.

Батальон ходимлари фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни бирма-бир келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки бунга қайси биримиз гувоҳ бўлганмиз ёхуд эшитганмиз. Улар жорий йилнинг ўтган даврида янада самарали ютуқларга эришишди. Республиканинг турли бурчакларида бўлиб ўтган 75 та оммавий тадбирларда ҳушёрлик ва фидойилик билан хизмат олиб боришлари натижасида биронта ҳуқуқбузарлик ёки фавқулодда ҳодиса қайд этилмади.

Жиноятлар жамоат жойларининг қайси нуқталарида ва кимлар томонидан содир этилаётганлигини таҳлил қилиш ва шу асосда тадбирлар белгиланаётгани ҳам кутилган натижани бермоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида содир этилган жиноятларга назар ташласак, иккитаси илгари судланганлар, биттаси талаба ёшлар, бештаси аёллар ва ундан сал кўпроги фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган шахслар чекига тўғри келади. Жиноятлар асосан қаҳвахона, бар, ошхона, бекат ва бозорларда содир этилмоқда. Унинг сабабларини эса мастлик, мулкни қаровсиз қолдириш, безорилик, мақсадсиз юриш ҳамда бошқа ҳолатлар белгилайди. Шахсий таркиб ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда иш кўраяпти.

Ходимларнинг хизмат шароитини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш ҳам хизмат самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг ўтган вақтида 92 та ходим бундай эътирофга муяссар бўлди. Шунингдек, шахсий таркибнинг жисмоний, жанговар ва руҳий тайёргарлиги ҳамда касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

*Қорақалпоғистон Республикаси.*



**Шу йил 22 август куни «Урганжи – Қўқон» автомобиль йўлининг 9-чақиримида йўл-транспорт ходисаси содир бўлди. Ҳайдовчи И. Сотволдиев ўзининг «Дамас» русумли автомобилини бошқариб бораётиб, бир йўналишда ҳаракатланаётган икки нафар велосипедчини уриб юборди. Оқибатда улардан бири – З. Бакиров воқеа жойида ҳалок бўлди. Жиддий жароҳат олган Ҳ. Раҳмонов эса шифохонага ётқизилди.**

# ҲУШЁРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Афсусланарли жойи шундаки, биргина Данғара туманида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 39 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, оқибатда икки киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 38 киши турли даражада тан жароҳати олди. Болалар орасида ҳам жабрланганлар бор.

Кузатишлардан маълумки, бундай фалокатларни келтириб чиқараётган асосий омил – йўл ҳаракати иштирокчиларининг амалдаги қоидаларга нисбатан беписандлиги ва ҳурматсизлигидир. Туман ИИБ ЙҲХГ ходимлари шуни инобатга олиб, корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида тез-тез учрашувлар ўтказишмоқда. Бундай тадбирларда эътибор ҳар бир фалокат тафсилотларидан огоҳ этиш, уларнинг диққат-эътиборини аянчли воқеаларга туртки бўлган жиҳатларга қаратилмоқда. Бу борада вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ алоҳида батальони, 3-отряди инспекторлари билан ҳамкорликда иш кўрилаётгани яхши самара бераяпти.

— Айни пайтда зиммамиздаги масъулият янада ортган, – дейди туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, катта сержант Муроджон Шокиров. – Туманда 347 та фермер хўжалиги томонидан 8 минг 293 гектар майдонга пахта экилган бўлиб, ҳозир йиғим-терим уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Хом ашёни қабул пунктларига ташиш, ҳашарчиларни пахта далаларига олиб бориш ва олиб келишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доимий назоратимизда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари шунингдек, пахта йиғим-теримига жалб қилинган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлиги, тракторчи ва ҳайдовчиларнинг умумий тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишларини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бундан кўзланган асосий мақсад эса умумхалқ ҳашарига айланган пахта йиғим-теримида биронта ҳам кўнгилсиз ҳодисага йўл қўймасликдан иборатдир.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, капитан.**

*Фарғона вилояти.*

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 26 ОКТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Дилафрузга тўрт ошиқ».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Дугоналар». М/ф.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий кино: «Орзу ортида».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.55 ТВ - анонс.
16.00 «Менинг оилам».
16.20 «Юртим бўйлаб дастури: «Куз».
16.30 «Очун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Камолот остонаси».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Минг бир ривоят».
18.50 ТВ - анонс.
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.45 ТВ - анонс.
22.50 «Уч ранг: кўк». Б/ф.
00.20 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.30 Кўрсатувлар дастури.
00.35 «Бир кун».
1.00 «Ахборот». (рус).
1.30 «Салом, ёшлар!»
2.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Чемпион».
3.50 «Очун».
4.00 «Ахборот».
4.30 ТВ - анонс.
4.35 ТелеТеатр: «Дилафрузга тўрт ошиқ».
5.10 «Икки дарё оралиғида».
5.30 «Нафосат олами».
5.40 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Увайсий».
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.45 «Ҳаётбахш наволар».
8.55 «Табиатни асрайлик!»
9.00 Фарғона вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Марғилон – ҳунармандлар шаҳри».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Мультипанорама».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.40 «KINOMANIYA».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Табассум қил!»
15.50 «Ҳаёт симфонияси».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Ёшлар ва таълим».
17.00 «Зулмат». Б/ф. 1-қисм.
18.00 «Сўнмас юлдузлар».
18.30 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соғлик – бойлик».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Миллий мерос».
22.00 «ДАВР».
22.30 Жаҳон киноси: «Қўнғироқсоч Сью».
00.10 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Қақнус». Т/с. 6-қисм.
16.25 «Саргузаштлар ороли».
16.55 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.05 «Карвонсарой».
17.15 «Анонс».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Т/с «Қалдирғочлар яна қайтади». 7-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Анонс».
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.50 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Библиотекарь». Х/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Шахризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
12.30 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
19.50 Футбол. Чемпионат мира U-17. Нигерия –Германия.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» - «Пахтакор».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.00 Мюзикл: «ЧИКАГО» худ.фильм
11.10 Ўзбек наволари
11.30 «Угадай кто?» худ.-фильм
13.40 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «КАК ОТДЕЛАТЬСЯ ОТ ПАРНЯ ЗА 10 ДНЕЙ» худ. фильм
23.50 Миксер

### «ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «Парламент соати».
7.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Буни ҳаёт дейдилар».
8.30 Болалар соати: «Янги авлод».
8.55 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
9.15 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
9.30 «Наҳотки сен» б/ф.
11.00 «Тарона».
11.30 «Бизнес репорт».
11.45 Кўнгил наволари.
12.15 Кутилмаган томоша.
12.30 «Тарона».
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
13.45 «Тарона».
14.15 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
14.30 «Тарона».
15.00 Оилавий экран: «Сеҳрли қовоқ сири» б/ф.
16.25 «Тарона».
17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
17.25 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
17.45 «Асрлар садоси».
18.15 «Хотира рашки» б/ф.
19.15 «Тарона.
19.45 «Азия-лото».
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.00 «Яхши кайфият».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Кечки кинозал: «Ойижон» б/ф.
23.25 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

ЯНГИ ҚОНУН АМАЛДА



**Дунёда савобли касблар кўп. Шулардан бири ёнғин ўчирувчилик касбидир. «Кимки ёнғинни ўчирса ёки сув тошқинини тўхтатса, унга шаҳидлик савоби берилади»,– дейилади муқаддас ҳадисларда. Шу боисдан бу касб эгаларини қанчалик шарафласак, уларнинг жасоратлари ҳақида қанча кўп ҳикоя қилсак ҳам озлик қилади. Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, соҳибқирон бобомиз Амир Темур давридаёқ бу касбга асос солинганининг гувоҳи бўламиз. Буюк саркарданинг махсус буйруғига мувофиқ Мовароуннаҳрда махсус ёнғин ўчирувчи ўнликлар ташкил этилиб, зарур барча анжомлар билан таъминланиб, уларга маош белгиланган.**



# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги янги Қонуни ҳақида сўз юритишдан аввал истиқлолимиз йилларида ёнғиндан сақлаш хизматидаги муҳим босқичлар тўғрисида икки оғиз сўз юритишни лозим топдик. Барчамизга маълумки, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, республика шаҳар ва туманларида, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга мамлакатимиз ҳукумати микёсида эътибор қаратилмоқда. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги хизматини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинган эди.

Сўнгги йилларда республикамизнинг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётганислоҳотлар ички ишлар идораларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармони имзоланди. Мазкур Фармонни бажариш, ёнғин хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлаш, ёнғин профилактикаси йўналишидаги ишлар самарасини ошириш, ёнғинларни ўз вақтида чеклаш ва бартараф этиш мақсадида шу йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги соҳасининг тубдан ўзгаришига туртки бўлди. Республикамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш давлат микёсидаги асосий вазифалардан деб эътироф этилди. Унга мувофиқ, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Энди мавзуимизнинг асосий қисми, яъни «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга қайтадиган бўлсак, аввalambор, кўпчиликни «Хўш, мазкур Қонуннинг эътиборли томонлари нимада?» – деган савол қизиқтириши табиий. Жорий йилнинг 1 октябрь кунидан кучга кирган мазкур Қонун 40 та моддани ўз ичига олган 6 та бобдан иборат бўлиб, мамлакатда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий асосларини белгилаб беради. «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган (Умумий қоидалар. 1-модда).

Маълумки, Қонун қабул қилингунга қадар республикамизда ёнғин хавфсизлиги йўналишидаги атама ва таърифларининг ягона тизими йўлга қўйилмаган эди. Энди бу муаммонинг маълум бир қисми ўз ечимини топди. Чунончи, Қонуннинг 3-моддасида соҳага тааллуқли бўлган асосий тушунчалар ёритиб берилган бўлиб, унга мувофиқ «ёнғин», «ёнғин назорати», «ёнғинлар профилактикаси», «ёнғиндан сақлаш хизмати», «ёнғин хавфсизлиги» каби тушунчалар қонуний мақомга эга бўлди.

Қонуннинг 5 – 11-моддаларини ўз ичига олган «Давлат органлари ва бошқа органларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки. Ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 2-боби ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортади. Айниқса, унинг «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки» дея номланувчи 9-моддаси. Сабаби, ўтган икки-уч йил мобайнида республика ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ҳақидаги тезкор маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ёнғинларнинг салкам 80 фоизга яқини аҳоли яшаш жойларига тўғри келади. 2006 йилда содир бўлган 14825 та ёнғиннинг 11852 таси, яъни 79,9 фоизи аҳоли яшаш секторида содир бўлган. 2007 йилда 15026 та ёнғиндан 11738 таси (78,1%) ва ниҳоят 2008 йилда 14717 та ёнғиндан 11848 таси (80,5%) аҳоли яшаш секторида содир бўлганини кўрамиз. Бу кўрсаткичлар жуда ачинарли, албатта. Содир бўлган ёнғинлар оқибатида фуқароларимизга, давлатимизга етказилаётган катта моддий зарардан ташқари, одамларнинг тан жароҳати олиши ва ҳаётдан бевақт кўз юмиши кишини янаям изтиробга солади. Масалан, 2006 йилда содир бўлган ёнғинлар оқибатида 925 нафар киши турли тан жароҳатлари олган бўлса, 190 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган. Худди шу каби ҳолатлар 2007 (904 нафар киши тан жароҳати олган, 176 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган) ва 2008 йилда (841 нафар киши тан жароҳати олган, 217 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган) ҳам такрорланганлигини кўриш мумкин. Ушбу рақамлар аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бироз оқсаётганлигидан далолат беради. Айнан шунинг учун аҳоли пунктларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни халқ ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмагидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, иссиқхона, новвойхона, хусусий ошхона, хонадонларда газ плиталарини газ қувурига резина шланглар орқали улаш, газ ва электр тармоқларидан ҳисоблагичларсиз, ноқонуний тарзда, ўзбошимчалик билан улаб фойдаланиш, турар жой биноларининг олдидаги автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлларни турли хил тўсиқлар билан тўсиб қўйиш ҳолатлари асосан маҳаллаларда юз беради. Маҳалла фаолларининг аралашувисиз мазкур муаммоларни бартараф этиш амри маҳол. Ёнғинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш ҳам фуқаролар, ҳам ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари учун самаралидир. Бу борада ишларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш, ёнғин хавфсизлиги посбонларининг хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зотан, *«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда* фуқаролар йиғини кенгашининг мутлақ ваколатлари сифатида ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан ўзаро ҳамкорликнинг қонуний асоси белгиланган бўлиб, унда *«Ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишига кўмаклашади»* деб белгилаб ўтилганлиги бежиз эмас, албатта. «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёнғиндан сақлаш хизматига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларида яқиндан ёрдам беришлари кўрсатиб ўтилган. Чунончи, кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва фаолиятига кўмаклашиши; ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашиши; ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга ошириши таъкидланган.

Баъзида содир бўлган ёнғинларнинг таҳлиллари билан танишаётиб, халқ хўжалиги масканларининг раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар ва мулк эгаларининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича соҳа ходимларининг кўрсатмаларига, республикада амалда бўлган андоза ва бошқарув ҳужжатларининг талабларига панжа орасидан қараётганликларини кўриб ўйга ботасан киши. Чунки ижро органлари, шу жумладан, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан таклиф этилаётган барча чора-тадбирлар мулкдорлар эгалик қилаётган мулкни, масъул шахсларга ишониб топширилган масканнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган-ку, ахир. Очиғини айтадиган бўлсак, деярли барча содир бўлаётган ёнғинларнинг сабаблари инсон омили билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг ушбу масканларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнини қонун доирасида белгилаб қўйилиши тақозо этилмоқда эди. Бу ҳақида Қонуннинг 12-моддасида кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу модданинг эътиборли томонларидан яна бири, бу ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилиши, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши эса раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмаслигидир. Авваллари бундай масъулият фақатгина тегишли ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан белгиланар эди, энди эса бу Қонун томонидан белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисида Низом»да ёнғинга қарши кураш масалалари бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш, объектлар ва аҳоли пунктларининг ёнғинга қарши аҳволи, юз берган ёнғинлар тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш ёнғиндан сақлаш хизматининг мажбуриятларига кириши кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тарғибот ва ташвиқотни амалга ошириш ишларида ёнғиндан сақлаш хизматига ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона ва муассасаларнинг маъмурияти *яқиндан кўмаклашишлари лозимлиги* ҳам таъкидлаб ўтилган. Қонуннинг 18-моддасида ёнғинга қарши тарғиботни ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек, мазкур хизмат кўмагида *ваколатли органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар* ўтказиши белгилаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида юқорида кўрсатиб ўтилган орган вакиллари ва фуқароларимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларида жавобгарлик ҳиссини кучайтиради деб ўйлаймиз, албатта.

Республикада содир бўлган ёнғинлар ёки ёнғин билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳодисаларни оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали ёритиб бориш масаласи ҳақида сўз борар экан, «ОЛОВ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ» теледастури кўз ўнгимизда намоён бўлади, албатта. Афсуски, мазкур теледастур ёнғинлар ҳақидаги ахборотларни аҳолига етказадиган ягона дастур десак, эҳтимол, адашмаймиз. Биз сўз юритаётган Қонуннинг «Ёнғин хавфсизлиги соҳасида ахборот билан таъминлаш» дея номланган 19-моддасида оммавий ахборот воситалари ёнғин хавфсизлиги масалаларига доир тезкор ахборотни бепул асосда эълон қилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Республикада содир бўлаётган ёнғинлар, улар билан боғлиқ фавқулодда ҳодисалар бошқа теледастурларда ҳам ёритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республикамиз ҳудудида бир неча йиллардан бери амал қилиб келаётган «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» соҳалараро норматив ҳужжатида бинонинг қаерида қандай материалдан фойдаланиш кераклиги аниқ белгилаб қўйилган. Афсуски, лойиҳа ташкилотлари ҳам, буюртмачилар ҳам бу талабларни кўпинча эътиборга олмайдилар. Бу эса ўз навбатида мазкур биноларда ёнғин юз бериш эҳтимолини, энг ачинарлиси, ёнғиннинг хавфли омилларини, одамларга таъсир этиш хавфини бир неча барабарга ошириб юбормоқда. Мазкур муаммо қонуннинг 14-моддасида ўз ечимини топди десак, муболаға бўлмайди. Унга мувофиқ, моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнғин хавфлилиги кўрсаткичларини, шунингдек, улардан фойдаланишда қўлланиладиган ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тегишли техник ҳужжатларда кўрсатишлари керак.

Соҳага тааллуқли бўлган хизмат ва маҳсулотларни сертификатлаштириш тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, бу борадаги барча маҳсулотлар сифат сертификатига эга бўлиши керак, назаримда. Негаки, бизнинг хизматимиз тезкор хизматлар туркумига киради. Шундай экан ёнғинларни, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган жанговар ҳаракатларни амалга оширишда махсус жиҳозларнинг бузилиб қолиши ёки ишдан чиқишини хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Қонуннинг 25-моддаси соҳа билан боғлиқ бўлган маҳсулот ва хизматларни Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сертификатлаштириш имконини очиб берди. Мазкур моддада мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш ҳақида сўз борган. Ўйлаймизки, мазкур масалаларнинг Қонунда кўрсатиб ўтилиши бу борадаги биринчи қадам бўлиб, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш даврида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот ва хизматларнинг рўйхати ҳам эътибордан четда қолмайди, албатта.

Ишончимиз комилки, мазкур Қонун республикамиз шаҳар ва туманларини, ўта муҳим ва тоифаланган масканларни муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги қисмларини замонавий ёнғин ўчириш техникалари, индивидуал ҳимоя воситалари ва бошқа ёнғин-техник анжомлар билан таъминлаш, хизмат муддати ўтганларини алмаштириш билан боғлиқ масалаларини тезроқ ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Бу эса ўз навбатида турли жабҳаларда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этишга, ёнғинлар оқибатида келтирилиши мумкин бўлган моддий зарар миқдорини камайтиришга ва энг муҳими инсонлар ҳаётини асраб қолишга кўмак бериши шубҳасиз.

Пировардида, ички ишлар идораларида кўп йиллик хизматимдан келиб чиққан ҳолда шуни айтиб ўтмоқчиманки, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ходимларнинг мунтазам равишда давлат мукофотлари билан тақдирланиши муҳтарам Президентимиз томонидан соҳамизга юқори баҳо берилаётганлигидан, юксак ишонч билдирилаётганидан дарак беради. Бу ишончни оқлаш ёнғиндан сақлаш хизматидаги ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчи деб ҳисоблайман.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши республикамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат микёсидаги муҳим масалалардан бири эканлигини яна бир бор кўрсатди.

**Матрасул СОБИРОВ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, генерал-майор.**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# САЛОМАТЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИ

**«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».**
**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 40-модда.**

Инсон саломатлигини сақлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш жаҳон миқёсидаги глобал масалалардан бирига айланган. Мамлакатимизда ҳам соғлиқни сақлаш ишларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани, бу масаланинг муҳим аҳамиятга молик эканлигидан далолатдир. Мустақиллик йилларида республикамизда айниқса, соғлиқни сақлаш тизимига ҳар томонлама эътибор кучайтирилди. Биринчи галда, болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш энг долзарб масала сифатида қаралди. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди ва Дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлашга давлат хазинасидан керакли маблағ ажратилди. 2006 йил эса бу эзгу ишларнинг давоми сифатида «Ҳомийлар ва шифокорлар» деб номланди. Фуқаролари соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. Республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий тиббий пунктлар ишлаб турибди. Умуман республикамизда соғлиқни сақлаш, аҳолини малакали тиббий хизмат билан таъминлаш борасида дунё ҳамжамияти эътироф этса арзигулик ишлар қилиняпти.

Айтиш жоизки, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига жуда катта масъулиятли вазифа юкланган. Юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар бир ходим биринчи галда, жисмонан соғлом ва бардам бўлиши керак. ИИВ тиббиёт хизмати, яъни даволаш-профилактика муассасаларининг фаолияти вазирлик тизимидаги ички ишлар идоралари ходимлари, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, нафақадаги фахрийлар, олий таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, шу билан бирга, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг саломатлигини сақлашга йўналтирилган.

Ҳозирги кунда ИИВ Марказий поликлиникаси, Марказий госпитали, Стоматология поликлиникаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБларда поликлиникалар, госпиталлар ва бошқа тиббиёт муассасаларида даволаш-профилактика ишлари амалга оширилаяпти. Вилоятлар марказларидан узоқда бўлган туман ва шаҳар ИИБларида амбулатория ва соғломлаштириш марказлари ташкил этилган. Кейинги йилларда вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари жойлашган бинолар замонавий услубда қайта қурилгани, таъмирлангани, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани соҳа ходимларининг беморларга хизмат кўрсатишлари учун қулайлик яратмоқда. Шу билан бирга, беморларнинг даволанишлари учун ҳам керакли шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш «Ички ишлар идоралари шахсий таркибининг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган 2006–2008 йилларга мўлжалланган Дастур» ҳамда «ИИВ тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник асосини мустаҳкамлашга қаратилган 2007–2010 йилларга мўлжалланган Дастур» ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларини замон талабларига жавоб берадиган биноларга жойлаштириш ва уларни диагностик ускуналар билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Кейинги йилларда Сирдарё вилояти ИИБнинг янги поликлиника-стационар мажмуаси ва ИИВнинг Наманганидаги физиотерапия касалхонасида қўшимча 48 ўринли даволаш корпуси қурилиб, ишга туширилди. Самарқанд вилояти ИИБ поликлиникаси шифокор ва ҳамширалари янги замонавий бинода беморларни даволашмоқда. Ҳозирда бу ерда 40 ўринли госпитал ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Наманган вилояти ИИБ поликлиникаси эса тўлиқ таъмирдан чиқарилди.



Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига доир Фармони ички ишлар тизимидаги тиббиёт хизматларининг фаолиятини яна бир бор қайта кўриб чиқиб, зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этди. Биринчи галда, ички ишлар ходимларининг саломатлигини сақлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини топиш ва унумли фойдаланиш учун режа ишлаб чиқилди ва унинг ижроси таъминланишига эътибор кучайтирилди. Вазирлик раҳбариятининг бевосита ёрдами ва зарур кўрсатмалари асосида олиб борилган ишларимиз ўз натижасини бераяпти.

Бугунги кунда ИИВ Марказий госпитали қошида 70 ўринли реабилитация маркази ҳамда Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» санаторийсида ўринларни кенгайтириш мақсадида қўшимча даволаш корпуси ишга туширилди. ИИВ Стоматологик поликлиникасида соҳанинг барча йўналишларида тиббий стоматология ёрдами кўрсатилмоқда. Шунингдек, жойлардаги ИИВ-ИИБ поликлиникаларида ҳам бириктирилган таркибга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бириктирилган контингентга стационар тиббий ёрдам кўрсатиш учун ИИВ Марказий госпитали, Наманганидаги физиотерапия касалхонаси ҳамда Сирдарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида вилоятлараро госпиталлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ қошида 35 ўринли соғломлаштириш маркази ташкил этилган.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерларни соғломлаштириш борасида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «Ўзбекистон» ва «Зарафшон» санаторийларининг ўрни катта бўлмоқда. Ушбу санаторийларда юрак-қон томир, асаб, ошқозон-ичак касалликларига чалинганлар соғломлаштирилмоқда.

ИИВ таълим муассасалари курсантлари ва тингловчилари учун ҳар бир таълим муассасасида тиббий хизматлар ташкил этилган. Бу жойларда улар ҳар йили профилактик тиббий кўрик, зарурат туғилса, амбулатория ва стационар даволаш курслари ўтказилади.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш афзал. Шу маънода ички ишлар ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишга жиддий эътибор берилаяпти. Соғлом одамнинг ишида барака ва унум бўлади, албатта. Шундай экан, ходимларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб туриш муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида асосий эътибор касалликлар ва касаллик хуружининг олдини олишга қаратилган бўлиб, шу мақсадда ички ишлар ходимлари ҳар йили мажбурий профилактик тиббий кўрикдан ўтказилади. Мазкур кўрик натижасида бирор касаллик аниқланган бемор дарҳол шифокорлар назоратига олиниб, уларни амбулатория, стационар ва санаторий шароитларида соғломлаштириш тадбирлари кўрилади.

Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам белгиланган режалар асосида олиб бориляпти. Бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш, ҳарбий-тиббий комиссия ишида иштирок этаётган шифокорлар малакасини ошириб бориш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. ИИВ тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари шифокорларининг касб маҳорати ва малакасини оширишга ҳам эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада шу йилнинг ўтган даврида 50 нафар шифокор Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида бўлиб қайтди. Шунингдек, уч нафар шифокоримиз хорижнинг етакчи клиникаларида малака оширди.

Ички ишлар идоралари тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ИИВ Марказий госпиталига замонавий диагностик ускуналар, яъни ангиограф ва магнит-резонансли томограф сотиб олинди. Уларнинг ишга туширилиши, беморларга тез ва малакали ташхис қўйиш, қисқа муддатда даволаб, ўз хизматларига қайтариш имконини беради.

Шунингдек, Жиззах, Сирдарё, Хоразм ва Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ИИБ тиббиёт бўлимларига УЗИ ускунаси олиб берилди, ИИВ Марказий поликлиникаси ва Марказий госпитали, Тошкент шаҳар ИИББ, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ИИБ Тиббиёт бўлимлари замонавий ЭКГ ускуналари билан таъминланди.

Тизим ходимлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлари ва оила аъзоларидан жами 2000 нафардан ортиқ кишига санаторийлар шароитида соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Шу ўринда яна шуни таъкидлаш жоизки, хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳар бир поликлиникадан малакали шифокор ва ҳамширалар бириктирилган. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, ногиронларига ҳам имтиёзли тарзда амбулатор, стационар хизматлар кўрсатилмоқда, санаторий шароитида даволаниш учун бепул йўлланмалар беріляпти. Уларнинг саломатлигини тиклаш учун бепул дори-дармонлар ажратилмоқда.

Вазирлик тизимидаги шахсий таркибни турли юқумли касалликлардан сақлаш мақсадида жумладан, қизамиқ, бўғма ва грипп касалликларига қарши бепул эмлаш йўлга қўйилган. Кўп вақт даволаниши лозим бўлган ходимлар учун ҳам имтиёзли асосларда ва моддий ёрдам тариқасида дори-дармонлар ажратилган.

Албатта, ички ишлар ходимларининг саломатлигини сақлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бораяпти. Шу билан бирга, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Келгуси режаларимизда даволаш-профилактика муассасаларини янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан янада бойитиш кўзда тутилган. Беморларга хизмат кўрсатадиган шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш, энг замонавий даволаш усулларини жорий этиш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилади. Мақсадимиз бизга мурожаат этиб келган ҳар бир ходимнинг дардига малҳам бўлиб, саломатлигини тиклаб, яна хизматига, оиласи бағрига соғлом қайтишига эришиш. Бу йўлда янги имкониятлар излаб топиш ва ишга солишга ҳаракат қилаверамиз.

**Саъдулла МУҲАМЕДОВ,**
**ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи,**
**полковник.**



## ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ



**Халқимиз тинчлик, осойишталик ҳукм сурган жойда, юртда ривожланиш, рўзғорда барака ва ишда унум бўлади, деб бежиз айтмайди. Буни мустақил юртимиз мисолида кўриб турибмиз. Муҳтарам Президентимиз ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув яшаши учун юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлашга бош-қош бўлмоқда. Биз, ички ишлар ходимларига халқимиз, Юртбошимиз ишонч билдириб, мустақил давлатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Буни ўзимизга юксак ишонч деб қабул қилган ҳолда туну кун ҳушёр туриб хизмат қилишга бел боғлаган-**

# ҲАМКОРУ МАДАДКОРИМИЗ

Мустақиллик йилларида ички ишлар идораларида ўтказилган ислоҳотларнинг самарасини бирма-бир айтиб тугатиб бўлмайди. Ички ишлар идораларига, унда хизмат қилаётган ходимларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни хорижий, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида ҳам эътироф этилаётганини мен ўзим кўп марта эшитдим. МДҲ давлатлари Ички ишлар вазирликлари Фахрийлар кенгашларининг йиғилишларида республикамиз ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар ҳақида кўп илиқ гаплар айтилди, тажриба алмашиш борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Ички ишлар идораларида жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарасини жиноятларнинг тобора камайиши белгилайди, албатта. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, республикамизда жиноят содир этилмаётган маҳаллалар сони йилдан-йилга кўпайиб боряпти. 2008 йилда бундай маҳаллалар икки ярим мингта эди. Жорий йилнинг тўққиз ойлик якунига кўра эса уч мингга яқин маҳаллада жиноят содир этилмади. Бунда ички ишлар идоралари фахрийларининг ҳам муносиб ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда истеъфога чиққан ички ишлар ходимларининг жамоат ишларида фаол иштирок этаётганликлари, айниқса, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоли этиб сайланаётганлари ички ишлар идоралари ходимларига бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради. Айни кунларда 500 нафарга яқин фахрийларимиз қишлоқ, маҳалла, овул фуқаролар йиғинларининг оқсоқоли сифатида элга хизмат қилишяпти.

**Элимга бир нафим тегмаган кунни,**
**Умрим ҳисобига қўша олмайман** – деган экан алломалардан бири.

Дарҳақиқат, каттами-кичикми, шу элда яшаётган ҳар бир инсон юрт учун, халқ учун жилла бўлса бирор фойдали иш қилиши керак. Ҳозирги дориламон кунларда яшаётганимиз учун буни ҳам қарз, ҳам фарз деб айтсак, арзийди. Шу ўринда истеъфога чиққан ички ишлар ходимлари, ўзларининг билим, тажрибаларини эл-юрт учун сарфлашаётгани кишини қувонтиради. Жойларда адвокат, ҳуқуқшунослик қилаётган, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали ёрдам бераётганлар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Кўп йиллик хизматларимизни инобатга олиб, биз, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, албатта. Вазирлик раҳбариятининг доимий эътибори туфайли фахрийларимиз ҳар ойда нафака пулларини ўз вақтида олиб туришибди. Кексалар бир-бирлари билан учрашишяпти, айни пайтда туман, шаҳар ИИБларда фахрийлар билан суҳбатлар ташкил этилмоқда. Уларнинг саломатлигини сақлашда муаммолар туғилмаяпти. Зарур ҳолларда фахрийларимиз бепул дори-дармон ва санаторийларга йўлланма билан таъминланяпти.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кўплар қатори ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам бу улуғвор ишларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилишяпти. Жойларда уюштирилаётган ҳашарлар, ободончилик ишларига фахрийларимиз бош-қош бўлмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан боғлар яратилди, мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилди, гулзорлар барпо қилинди.

Мана учинчи йилдирки, республикамизда 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида кенг нишонланмоқда. Тинчлик ва осойишталик посбонларининг касб байрамини нишонлаш анъанага айланиб, байрам сифатида эътироф этилгани ҳам юксак эътибор намунасидир. Ҳар йили кўплаб ички ишлар идоралари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ деб топилиб, орден ва медаллар билан тақдирланяпти, махсус ва ҳарбий унвонлар берияпти. Буларнинг барчаси ички ишлар ходимларини янада ҳушёр туриб, осмонимиз мусаффолиги, заминимизнинг осудалигини сақлаш йўлида бор куч-қувват, билим ва маҳоратини сарфлашга ундайди.

Юртда тинчлик ва осойишталикни сақлаш беқиёс савобли иш. Биз ана шундай улуғвор ишни бажараётганимиздан фахрланишимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб, қариб эллик минг фахрийлар номидан барча ички ишлар ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этаман. Ҳар кимга биз каби кўп йиллар хизмат қилиб, юқори мартаба ва унвонга эришиб, ҳурмат-эътибор билан нафақага чиқиш, шогирду фарзандлар камолини кўриб юриш насиб қилсин!

**Ғафуржон РАҲИМОВ,**
**ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор.**

## ЭЪЗОЗ

# ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

**Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБда узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, халқимиз осойишталигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган бир гуруҳ ходимларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

Унда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Маткаримов сўзга чиқди ва нафақага кузатилаётган майорлар Ф. Муҳсинов, О. Солиев, З. Темиров, капитан Т. Содиев, катта сержантлар Д. Осмонов, М. Болтабоев ва Г. Маманазаровларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб, уларнинг хизмат фаолиятларини эътироф этди. Бу фидойи ходимларнинг ҳаёт йўллари, инсоний фазилатлари ёшларга ибрат бўлишини таъкидлади.

Маросимда нафақага кузатилаётганларга тўн, дўппи кийгизилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.



*Улар йигит умрин элга бағишлаб,*
*Юрт тинчин асрашди, жон-дилдан суйиб,*
*Бугун истеъфога чиқишар яйраб,*
*Ўзбекона тўну дўппилар кийиб.*

## ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

**Мирзачўл тумани ИИБ терговчиси, капитан Ваҳоб Бекмуродов тергов учун топширилган навбатдаги иш билан танишар экан, устози подполковник Исмоил Шокировнинг илгари ана шундай иш юзасидан тергов олиб боргани эсига тушиб, унинг ёнига борди. Устозидан керакли йўл-йўриқ олган Ваҳоб Бекмуродов тергов ишини белгиланган муддатда тамомлади.**

# УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Ёш офицер Ваҳоб Бекмуродов ИИВ Академиясини тамомлаб келганида дастлаб Жиззах шаҳар ИИБга терговчи этиб тайинланди. Отаси оддий ошпаз, онаси эса уй бекаси. Улар фарзандларининг ички ишлар идораларида хизмат қилишини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Ваҳоб ўрта мактабни битириб, ИИВ Академиясига ҳужжат топширганда унинг қарори қатъийлигини тушунишди.

– Ички ишлар хизматининг машаққатли эканини ўғлимнинг фаолиятидан билдим, – дейди онаси Мавжуда опа. – Гоҳида унинг ишдан келишини кутиб, алламаҳалгача ўтираман. Яна эрта туриб хизматга кетганида, юрагим ачишиб: «Ўғлим бошқа ишнинг бошини тутсанг бўлмайдими», дейман. Лекин у ҳеч ҳам ишидан нолимайди, қайтага ўзини қувноқ кўрсатиб, мени хотиржам қилади. Шундай матонатли, ўз касбига садоқатли ўғлим борлигидан ғурурланаман.



Шу йил ёзнинг охирларида ярим тунда беш-олти нафар нотаниш йигит «Мирзадала» сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги «Аюб ота» фермер хўжалигининг дала шийпони қоровули А. Абдураҳимовни калтаклаб, уяли телефони ва 15000 сўм пулини олиб, «Дамас» русумли автомашинага 15 қоп пиёзни ҳам ортиб кетишади. Қоровул бу ҳақда туман ИИБга хабар беради. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида босқинчилар қўлга олинади, аммо улардан уч нафари қочишга улгуради.

Капитан Ваҳоб Бекмуродов бутун тажриба ва билимини ишга солиб, гуруҳнинг ҳамма аъзоларини аниқлаб, уларни қўлга олиш, шу билан бирга, айримларининг аввалги жиноятларини ҳам фош этишга эришади.

Одам савдоси билан шуғулланган икки аёлнинг жиноятларини очишда ҳам терговчининг ҳиссаси катта бўлди. Гарчи, бошида улар айрим жиноятларини тан олмай турган бўлса-да, В. Бекмуродов келтирган далил ва исботлардан сўнг айбларини тан олишдан бошқа иложлари қолмади.

– Устозларим подполковниклар Исмоил Шокиров, Шавкат Қурбонов, майорлар Файзулла Ўролов ва Воҳид Алназаров ҳар бир тергов ишини олиб бораётганда эътиборли бўлиш, арзимасдай туюлган нарсаларни ҳам назардан қочирмасликни уқтиришади.

Ҳа, устозлар ўгитига амал қилган, уларнинг маслаҳатидан баҳраманд бўлган шогирднинг йўли порлоқ бўлади. Капитан В. Бекмуродовни ҳам ҳали олдинда кўплаб масъулиятли ишлар ва нурли манзиллар кутмоқда.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ, майор.**

*Жиззах вилояти.*

**Суратда:** капитан В. Бекмуродов.

**Муаллиф олган сурат.**

# ЕТУК КАДРЛАР – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

**Меҳнат инсонни улуғлайди, дейишади. Шунчаки эмас, масъулиятни ҳис этиб, бутун билими, тажрибаси, маҳоратини ишга солиб хизмат қилиш лозим. Ана шунда кутилган натижалар қўлга киритилади. Ички ишлар идоралари, жумладан, шахсий таркиб билан ишлаш хизматида ҳам ана шундай мутахассислар кўпчиликни ташкил этади. Самарқанд вилояти ИИБ ШТБИХ жамлаш бўлими инспектори, катта лейтенант Жонибек Давронов ҳали ёш бўлишига қарамай, фидойи ходимлар қаторида тилга олинади.**

Жонибек Самарқанд туманида оддий ишчи оиласида туғилиб ўсди. Отаси Мардонқул ака фарзандларини самимий, ҳалол бўлишга ўргатди.

Жонибекнинг пойтахтга бориб, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида таҳсил олиб, олийгоҳни имтиёзли диплом билан битириб қайтиши оила учун қувончли воқеа бўлди. Жонибек ўз хизмат фаолиятини дастлаб Пастдарғом тумани ИИБ ШТБИГ инспектори лавозимида бошлади. Унинг билими, қобилияти, интилувчанлиги, ишни пухта олиб бораётганини кўрган раҳбарият вилоят ИИБ ШТБИХга ишга ўтказди.



Жонибек спорт, аниқроғи, футбол ишқибози. Унинг моҳир ҳужумчи эканлигини кўпчилик яхши билади. Ундан маслаҳат ва ёрдам сўраб келганларни умидсиз қайтармайди, уларга баҳоли қудрат кўмаклашади. Сафдош, касбдошларига меҳрибон. Шунинг учун ҳам ҳурмат-эътиборга эришяпти.

– Жонибек ҳар бир ишни тўғри юритишга ҳаракат қилади, – дейди вилоят ИИБ ШТБИХ катта инспектори, майор А. Розиев. – Мен унга мураббийлик қилганимдан фахрланаман. Ишига талабчан, вазифасини аъло даражада бажаради.

Ёш ходимнинг изланишлари зое кетмаётганига аминмиз. Келажаги порлоқ инспектор, катта лейтенант Жонибек Давронов кабилар сафимизда кўпаяверсин, деб ният қиламиз.

**Д. САЛОҲИТДИНОВА.**

*Самарқанд вилояти.*

**Суратда:** *катта лейтенант Ж. Давронов ва унинг мураббийи майор А. Розиев.*

**Муаллиф олган сурат.**

ИБРАТ



# «ИЗҚУВАР ИНСПЕКТОР»

***Киши қайси соҳада меҳнат қилмасин тартиб-интизомга риоя этса ишида унум ва барака бўлади. Чироқчи тумани ИИБ ҲООБ 149-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Фарҳод Ғаниев буни яхши билгани учун муносиб ютуқларга эришмоқда. У эрталаб қилинадиган ишларни чамалаб турганда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Т. Маҳматқулов салом бериб хонага кириб келди.***

– Хўш, бугун ишни нимадан бошлаймиз? – сўради ундан профилактика инспектори.

– Кечаги режангиз бўйича дастлаб нотинч оилалардаги аҳволни ўрганишимиз, сўнгра муқаддам судланганларни ишга жойлаштириш учун бир-иккита ташкилотга боришимиз керак, – деди Т. Маҳматқулов.

Икковлон ким нима ишни бажариши лозимлигини яна бир бор келишиб олгач, хонадан чиқиб ўз йўналиши бўйлаб кетишди. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари бир гуруҳ фаолларни, профилактика инспектори эса маҳалла оқсоқолини олиб нотинч оилада суҳбат ўтказиш учун айтилган манзилга етиб келишди. Ўттиз ёшни қаршилаган Рисолат укаси Ғолиб билан низолашиб қолган эди. Суҳбат асносида ука ҳар куни улфатлари билан ярим кечагача юриб, маст-аласт қайтиши аён бўлди. Шундан сўнг мерос талашиб, опасининг уйдан чиқиб кетишини талаб қилар экан. Фаолларнинг келишувига биноан опа-ука муросага келтирилиб, назорати «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари зиммасига юклатилди. Мана, орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтдики, бу оилада осойишталик ҳукм сурмоқда.

Профилактика инспектори Фарҳод Ғаниев ҳар бир ишни тартиб билан амалга оширади. Муқаддам судланган К. Ҳакимов суҳбат асносида иш топилса жон деб ишлашини айтганди. Профилактика инспектори уни туман йўл қурилиши идорасига бошлаб борди. Корхона раҳбари билан бўлган суҳбатдан сўнг Комил ишга жойлашди. Ҳозир у маҳалла фаоллари, айниқса, капитан Ф. Ғаниевдан миннатдор.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бевосита профилактика инспекторининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзига қарашли ҳудудда содир этилган иккита жиноятдан ташқари бешта бошқа ҳудуддаги гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳам аниқланди. Бу унинг касбига қизиқиши, сезгирлиги ва маҳоратидан дарак бериб турибди. Шу боис у ҳақда гап кетганда ҳамкасблари «инспектор-изқувар» дея эъзозлашлари ҳам бежиз эмас.

Капитан Фарҳод Ғаниев хизмат ўтаётган Ўзбекистон маҳалласи Чироқчи туманининг марказида жойлашган бўлиб, бу ерда уч минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 13 нафар муқаддам судланган, бир нафар гиёҳвандликка мубтало бўлган шахслар ва иккита нотинч оила профилактик ҳисобда туради. Профилактика инспектори гоҳ маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда, гоҳ ўзи ана шу шахслар билан суҳбатлар уюштириб, уларнинг муаммоларини ҳал этишни бурчи деб билади. Вақт топиб маҳалла ҳудудидаги мактаб ва лицейда бўлиб, ёшлар билан ҳуқуқбузарликлар хусусида суҳбатлашади.

Бир сўз билан айтганда, бундай ҳамжиҳатлик ҳудудда тинчлик, осойишталик таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

# МУНОСИБ ЎҒЛОН

**Тезкор маълумотларга кўра, Тожикистон Республикасидан айланма йўллар орқали мамлакатимиз ҳудудига катта миқдорда гиёҳвандлик моддаси ўтказилган эди. Гиёҳфурушлар энди харидор излаётганди. Ушбу маълумот бўйича тузилган тезкор гуруҳ таркибига вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, капитан Отажон Имомов ҳам киритилди.**

Денов ва Сариосиё туманларида олиб борилган суриштирув ишлари кутилган натижа бермади. Аммо саъй-ҳаракатлар натижасида Отажон Имомов гиёҳфурушнинг манзилини билиб олди. Шу асосда «Назорат – Харид» тадбири ишлаб чиқилди. Отажон унда Хоразмдан келган харидор сифатида қатнашадиган бўлди.

– Аввало, мени молнинг сифати қизиқтиради, – деди у гиёҳфуруш билан учрашганда. – Қолаверса, нархини ҳам келишиб олишимиз керак.

«Харид» чоғида гиёҳфуруш йигит қўлга олинди. У иложсиз қолиб, ички ишлар ходимларининг таклифига рози бўлди.

– Хўжайин, 20 килограммга харидор бор. У сиз билан учрашмоқчи, – деди қўнғироқ қилиб.

«Хўжайин» Сариосиё тумани қишлоқларидан бирида учрашишга рози бўлди. У муқаддам бир неча марта судланган, айни чоғда гиёҳвандлик моддалари контрабандаси билан шуғулланиб, тергов идоралари томонидан қидирувда бўлган шахс эди. Тезкор гуруҳ белгиланган жойга етиб келганда атрофга қоронғилик тушган, ёмғир ёғаётган эди. Бироздан кейин «хўжайин» кўринди. У билдики, машинадаги одамлар келишилганидан кўп. Акс ҳолда гумашта унинг олдига келиши, вазиятни тушунтириши лозим эди. Шу туфайли ҳам ёнидан тўппонча чиқарди. Капитан Отажон Имомов ва Узун тумани ИИБ «Жон-чекка» милиция қўрғони ЖҚ ва УЖҚКГ тезкор вакили, катта лейтенант Санжар Шомуродов унга ташланишди. Ўқлардан бири С. Шомуродовни яралади. Лекин капитан Отажон Имомов чапдастлик билан унинг қўлларини қайирди. Шу тариқа жиноятчи қўлга олинди.

Капитан Отажон Имомовнинг ички ишлар идораларидаги фаолияти давомида бу каби воқеалар кўплаб бўлган. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда отасининг тажрибасига таянади, маслаҳат сўрайди. Муносиб ўғил ўстирганидан истеъфодаги подполковник Бекназар Имомовнинг қувончи чексиз.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

# Эл суйган йигит

**Лейтенант Рашидбек Султонов беш йилдирки, Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини муваффақиятли тамомлаган Рашидбек соҳа сир-асрорларини қунт билан эгаллашга астойдил киришди. Бунда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, майор Нодир Вапоев, штаб бошлиғи, капитан Улуғбек Қурбонов сингари бағрикенг, меҳридарё устозларининг ёрдами катта бўлди. Юрт тинчлигини асрашдек масъулиятли вазифани бажаришга енг шимарган бу йигит кечани-кеча, кундузни-кундуз демай хизмат қилди, тинмай изланди. Ҳали ёш бўлса-да, бошқарма раҳбарияти ва ҳамкасбларининг ишончини қозонди. Кўп ўтмай уни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 1-отрядига командир этиб тайинлашди.



– Юрт осойишталигини асращдан кўра муҳим иш бўлмаса керак, – дейди лейтенант Рашидбек Султонов. – Ватанимизнинг тинчлиги, деҳқонларимизнинг эмин-эркин меҳнат қилаётгани, ёшларимизнинг барча соҳаларда зафар қучаётганини кўриб ғурурланаман, қувонаман. Чунки, юртимизда ана шундай осойишталик, тинчлигу хотиржамлик ҳукм сураётгани боис ижобий ўзгаришлар, иқтисодий юксалишлар рўй бермоқда. Бунда ички ишлар ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Халқини суйган инсоннинг қалби пок, фикри теран, туйғулари пок бўлади. Бу эса ҳамиша уни эзгу ишларга ундайверади. Рашидбек Султонов ҳам ўз ҳаётини юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли ишга бахшида этиб келмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**
**Суратда:** лейтенант Р. Султонов хизмат пайтида.
**Муаллиф олган сурат.**

# ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

***Ургут туманида туғилиб, вояга етган Эркин ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари ички ишлар ходимлари «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» мавзуида тадбир ўтказишди. Уларнинг ўзларига ярашиб турган хизмат кийимлари, қатъият билан гапиришлари унда ҳавас уйғотди. Бу ҳавас бора-бора мақсадга айланди. У ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач ҳеч иккиланмай ички ишлар идорасига ишга кириш учун ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Шундан сўнг Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори лавозимига қабул қилинди. Мана ўн уч йилдирки, у йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

– Агар севган касбингда фаолият кўрсатсанг қийинчиликлари ҳам билинмас экан, – дейди сержант Эркин Облоёров. – Чарчаган пайтларим эл-юрт хизматида эканлигимни ҳис этаману, толиқиш ўрнини фахр туйғуси эгаллайди.

2007 йилнинг ёз ойларида вилоят ҳудудида ўтказилган «Йўловчи» махсус тадбири давомида «Тико» русумли автомашинани тўхтатган ЙПХ инспекторида икки йўловчи аёл шубҳа уйғотади. Уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириб кўради. Шунда синчков ходим тожикистонлик А. Ганжиева ва қозоғистонлик Ф. Садировалар паспорт-виза тартиби қоидаларини бузиб, мамлакатимизда яшаб юрганлигини аниқлади. Қоидабузарлар тегишли тартибда юртимиздан чиқариб юборилди.

Унинг фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сергак ва синчковлиги муваффақиятлар калити бўлиб хизмат қилмоқда.

Эркин Облоёров бир ўғил ва қизнинг отаси. У спортнинг миллий кураш тури билан мунтазам шуғулланиб келади. 2000 йилда ўтказилган вилоят биринчилигида 94 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритиб, вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

– Ўзаро ишонч, хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат доимий ҳамроҳим. Бугун орамизда бўлмасалар-да биринчи устозим, марҳум Тоҳир Ҳайитовдан бир умр миннатдорман. У кишининг ўгитлари мен учун доимо дастуриламал бўлиб келмоқда, – дейди лавҳамиз қаҳрамони.

Эркин Облоёровнинг ўзи ҳам аллақачон устозлар қаторидан жой олган. Шогирдлари бугунги кунда соҳада сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**
*Навоий вилояти.*



25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ТЎЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА

***Истиқлол йилларида Ватанимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишталигини таъминлашга масъул бўлган ички ишлар идоралари ходимлари мустақилликни мустаҳкамлаш, Президентимиз раҳбарлигида жамиятнинг барча жабҳаларида босқичма-босқич бошланган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.***

Ана шу ислоҳотлар самараси ўлароқ, Наманган вилояти ИИБнинг мустақил бошқарма ва бўлимлари, уларнинг шаҳар, туманлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари учун ҳам энг замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар зарур жиҳозлар, транспорт, сўнгги русумдаги алоқа воситалари билан таъминланди. Кадрларга бўлган талаб оширилиб, ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлигини яхшилаш, спорт билан шуғулланиши, маданий дам олиши учун барча шароитлар яратилди. Шу билан бирга, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этиш кучайди, ҳар бир ходим чуқур билимга эга, маънавий етук бўлиши кўзланиб, ўқув машғулотларига катта эътибор қаратилди.

Буларнинг самараси тезда кўриниб, уюшган жиноятчилик, давлатимизнинг конституциявий тузумига ва халқимизнинг ҳамжиҳатлигига таҳдид солишга уринган бузғунчи кучларга қарши курашиш, жиноятчиликнинг турли кўринишлари ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда салмоқли ютуқларга эришилди. Тўйга тўёна билан деганларидек, касб байрамини хизматда эришган кўплаб ютуқлар билан кутиб олмоқдамиз. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ички ишлар ходимлари томонидан 2074 та жиноят фош этилиб, тергов идораларидан яшириниб юрган 235 нафар шахс ушланди. Авалги йилларда содир этилган 79 та жиноят ҳам ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари эвазига очилди. Жорий йилда 222 та гиёҳвандлик, 134 та одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аниқланди. Бундан ташқари, 14 та уюшган гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Фуқаролар 20 та ҳолатда ноқонуний ўқ отар қурол сақлаганлиги маълум бўлди ва қонуний тарзда олиб қўйилди.

Вилоят ҳудудига қонунга хилоф равишда турли маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш ва аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 690 миллион 775 минг сўмликдан ортиқ товар-моддий бойликлар олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қаерда тинчлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурса, ўша ерда файз-барака, тараққиёт бўлади. Бу борадаги ҳар қандай эзгу иш беиз кетмайди. Бугунги кунда халқимизнинг ички ишлар ходимларига нисбатан ҳурмат-эътибори ошиб, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоячиси деб қараётгани ҳар бир ходим учун катта шараф. Ана шу юксак ишончни оқлаш учун вилоят ҳудудида осойишта вазиятни барқарор сақлаш, фуқаролар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш доимий диққат марказида бўлиб, куну тун фаолият олиб борилаётир.

Юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни кузатар эканмиз, уларнинг замирида биринчи галда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш масаласи ётганини кўрамиз. Ана шу вазифани бажариш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш учун ички ишлар ходимлари бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Зеро, олдимизда турган олий мақсад – ҳуқуқий демократик жамият қуриш даврида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий омил ҳисобланади.

**Шукуржон МАДАЛИЕВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғининг**
**1-ўринбосари,**
**подполковник.**
*Наманган вилояти.*

ТАДБИР

# «ЭНГ ИЛҒОР КАСБ УСТАСИ»

***ИИВ Қоровул қўшинлари шахсий таркиби ўртасида турли кўрик-танловлар ва тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда ҳарбий қисм, батальон ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ўртасида ўтказилган «Энг илғор касб устаси» кўрик-танлови бунга мисол бўла олади.***

ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Мухторов тадбирни очар экан, танловнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад ва унинг шартлари билан таништириб, иштирокчиларга омад тилади.

Иштирокчилар биринчи куни давлат ва ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон тарихи, педагогика ва психология ҳамда меъёрий қонун ҳужжатларини қай даражада ўзлаштирганликлари борасида тузилган саволлардан иборат тест синовидан, шунингдек, қуролдан нишонга отиш ва жисмоний тайёргарликлари бўйича синовдан ўтказилди.

Танловнинг иккинчи куни иштирокчилар нутқ маҳорати, бирор-бир тадбирга бағишланган тадбир режаси ва сценарийсини тузиш, компьютердан фойдаланган ҳолда кўргазмали жиҳозларни тайёрлаш бўйича ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловнинг якуний натижалари бўйича майор Л. Баянов, капитан Ш. Саидов, катта лейтенант А. Алимов ғолиб деб топилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Бахриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**катта сержант.**

ХИЗМАТЛАРДА

***Бухоро вилояти ички ишлар идораларида тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу аввало, кадрларнинг касб маҳорати, жисмоний тайёргарлиги, маънавиятини ошириш юзасидан қилинган ишлар натижасидир. Вилоят ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан бу борада муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда.***

# КАДРЛАРГА ТАЯНГАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАР...

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида тузилган режа ва тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир ички ишлар ходими маънавий етук, жисмонан соглом ва юксак интизомли бўлиши керак. Шу боис кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ички ишлар идоралари олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қоляпти.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг мамлакатимиз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармон ва Қарорларида ички ишлар идораларини юқори малакали, ҳар томонлама тайёргарлик кўрган, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашда масъулиятни ҳис эта оладиган, жисмонан ва маънавий жиҳатдан етук ходимларни жамлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, шахсий таркибни маърифий-маънавий тарбиялашнинг янги тизимини яратиш, ходимларнинг моддий рағбатлантириш ҳолатини янада яхшилашни ўз ичига олган.



*Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари, майор Фарҳод Паноев (чапдан), катта лейтенант Ҳусенжон Файзиев ва катта лейтенант Нодир Хўжаев хизмат пайтида.*

Кадрларнинг сифат даражасини яхшилашда шахсий таркибни тест синовларидан ўтказиб туриш муҳим аҳамиятга эга. Шуларни инобатга олиб, ИИВнинг кўмаги, вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан бошқарманинг иккинчи биносида замон талабларига тўла жавоб берадиган алоҳида ўқув хоналари, Маърифат ҳамда тест маркази хонаси ташкил этилди ҳамда мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди. Эндиликда бошқарма аппарати ва унинг қуйи тизимлари шахсий таркибининг касбий ва ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тайёргарликларини янада ошириш, ходимлардан жорий ва оралиқ синов имтиҳонлари олишни такомиллаштиришда янги имкониятларга эга бўлди. Тест маркази хонаси 22 та компьютер, уларни бошқарадиган алоҳида хона ҳамда электрон ўқ отиш компьютер тренажери билан жиҳозланган. Айни пайтда бу ерда махсус унвон олиш, шаҳодатдан ўтиш, бошқа лавозимга ўтиш учун номзод ходимлар билан хизмат, жанговар, жисмоний ҳамда саф тайёргарлиги бўйича қўшимча ўқув машғулотлари якуни бўйича синов имтиҳонлари қабул қилинаяпти. Сентябрь ойининг ўзида 30 нафар ходим шаҳодатдан ўтиш учун, 22 нафар унвонга тавсия этилган ходим эса вазирлик буйруғига асосан тест синовларини топширишди.

Шунингдек, 25 ўринга мўлжалланган жанговар хизмат тайёргарлиги ўқув хонасида қурол қўллаш ва ундан фойдаланиш қоидалари, «Макаров» тўппончаси ва «Калашников» автоматининг асосий қисмлари, хизматдаги махсус воситаларни қўллаш усуллари акс этган стендлар билан жиҳозланган. Маърифат хонасида эса маърифий-сиёсий ўқувлар ташкил этиш учун барча қулайликлар мавжуд. Асосийси, ушбу марказдаги кенг ва ёруғ хоналарнинг барчаси замонавий мебеллар, зарур воситалар билан тўла жиҳозланган.

Ички ишлар идоралари тизимида кўп йиллардан буён «Устоз-шогирд» анъаналари давом этиб келмоқда. Бугунги кунда биз ҳар бир ходимнинг жанговар ва касбий жиҳатдан етук, маънавиятли бўлишига эришишимиз лозим. Шу мақсадда ички ишлар идораларида мунтазам равишда спорт мусобақалари, Маърифат дарслари ўтказилиб турилади. Сиёсий-ижтимоий сабоқларга соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, кўзга кўринган олимлар таклиф этилиши машғулотлар савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Шуниси эътиборлики, биз узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийларнинг тажрибасидан, малакасидан имкон даражасида фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам Маърифат дарслари, сиёсий-ижтимоий мавзуларга бағишланган учрашув, юзма-юз мулоқотларга улар таклиф этилмоқда. Айниқса, нафақадаги устозларимиздан Мирзо Очилов, Аҳмад Муҳсинов, Баҳодир Нуруллаев, Рауф Асадовлар фахрийлар кенгашига ҳар бир ишда кўмакдош, елкадош бўлишмоқда. Улар нафақага чиққан бўлсаларда шахсий таркибдан ёрдамларини аямай, ўзларининг бой амалий ва ҳаётий тажрибалари билан кўмаклашмоқда. Зарур бўлганда улар ёш ходимларга йўл-йўриқ кўрсатиб, қимматли маслаҳатларини аяшмаяпти.

Ҳақиқатан иқтидорли, ёш ходимларимиз тажрибасини оширишда «Устоз-шогирд» анъаналари қўл келмоқда. Ўтган йилда ИИВ олий таълим муассасаларини 36 нафар ёш мутахассис тугатиб келди. Уларнинг хизмат олиб боришлари учун ҳар бирига малакали, катта тажрибага эга бўлган ходимлар бириктириб қўйилди. Фидойи, талабчан, энг яхши мураббийларимиз эса шогирдларининг фаолияти натижаларига қараб мунтазам равишда рағбатлантириб борилмоқда.

Кейинги йилларда ички ишлар идоралари ходимлари куни — касб байрамининг тантанали суръатда нишонланиши барчамизни руҳлантириб юборди. Албатта, уни яхши натижалар билан кутиб олишга ҳаракат қилаяпмиз. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Навоий шаҳрида бўлиб ўтган республика ички ишлар идораларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ўртасидаги «Вақтинча сақлаш ҳибсхонаси аълочи милиционери» кўрик-танловида бошқармамиз ППХ ва ЖТСБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционери, сержант Султон Ўринов биринчи ўрин соҳиби бўлди. Шунингдек, Истиқлолимизнинг 18 йиллиги арафасида вилоят ИИБ инспектор-кинологи, катта сержант Шукрулла Каттаевнинг «Жасорат» медали билан, Ғиждувон туман ИИБ профилактика катта инспектори, майор Фозил Қодировнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланиши ҳам шахсий таркибнинг эришган ютуғидир. Умуман олганда, ҳар бир тизим ходимлари ўз хизмат бурчларини астойдил бажариш, эл-юрт корига яраш, осойишталикни асраш йўлида туну кун хизмат қилмоқда.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*



СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

# ДИНАМОЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**_Республикамизнинг спорт салоҳияти янада юксалиб боряпти. Спортчиларимиз мамлакатимиз довруғу шавкатини юксак маҳорат ва қобилиятларини намойиш этиш билан оширишмоқда. Ана шундай спорт юлдузларимиздан бири республика «Динамо» ЖТСЖ аъзоси Баҳодир Султоновдир._**

Яқинда Б. Султонов Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани, халқаро майдонда мамлакатимиз шавкатини юксалтириб, обрў-эътиборини оширишда ҳамда ўзбек бокс мактаби анъаналарини давом эттиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Баҳодир дастлаб 1997 йили Андижон шаҳридаги 50-мактабдаги бокс тўгарагига қатнашиб, бокс сирларини биринчи устози Марс Қўчқоровдан ўргана борди. Бир йил ўтиб, Олимпия захиралари коллежида таълим олди. Энди у бокс билан мунтазам шуғулланиб, ёшлар ўртасида ташкил этилган турли мусобақаларда ўз кучини синаб кўра бошлади. 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон биринчилиги ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этди. Орадан бир йил ўтиб, Баҳодир Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро чемпионатда олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлди. Айнан ана шу нуфузли чемпионатда ҳамюртимиз мусобақанинг энг яхши боксчиси деган шарафга сазовор бўлди. 2002 йил ёш спортчи Сантьяго (Куба) шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида барча рақибларини доғда қолдириб, шоҳсупанинг юқорисини эгаллади.

Таиландда ўтказилган жаҳон биринчилиги мусобақасида кумуш ҳамда Осиё чемпионатида эса олтин медаль соҳиби бўлди. Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада баҳсларида Баҳодир Султонов мамлакатимиз терма жамоасига бронза медалини тақдим қилди. Унинг бу эришган юксак натижаси учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони берилди.

Охирги беш йил ҳам Баҳодир учун сермаҳсул келди. У Таиланд, Хитой, Болгария, Эрон, Ҳиндистон ва мамлакатимизда ўтказилган қатор нуфузли мусобақаларда иштирок этиб ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Ўтган йили фидойи спортчимиз бокс бўйича халқаро турнир (Финландия)да кумуш, Хитойдаги мусобақада олтин ва Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада бронза медалини қўлга киритди.

– Мақсад сари астойдил интилган киши албатта, ўзи кўзлаган ниятига эришади, – дейди Баҳодир. – Барча эришган ютуқларимда, ҳақиқий боксчи бўлиб шаклланишимда устозим ва мураббийим Алишер Абдуллаевнинг ҳиссаси катталигини таъкидлашни истардим. Ҳозирда 2010 йили Хитойда бўлиб ўтадиган нуфузли мусобақа – Осиё ўйинларига тайёргарликни бошлаб юборганман.

Баҳодир спорт билан бирга таълим олиб, ўзи орзу қилган касб эгаси бўлишни хоҳлади. Олимпия захиралари коллежини тамомлагандан сўнг Андижон Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. Ўқишни 2004 йилдан Тошкент Давлат юридик институтида давом эттирди. Олийгоҳни тугатганидан сўнг у Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига хизматга қабул қилинди. Б. Султонов 2008 йилдан буён милиционер-ҳайдовчи лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари куни арафасида ҳамкасбимизга лейтенант махсус унвони берилди. Биз уни унвон билан табриклаб, келгуси хизмат фаолиятида ва спорт соҳасидаги ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти.*

УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

# СПОРТДА, ХИЗМАТДА ФИДОЙИЛАР

**_Навоий тоғ-кон металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси тизимида ўз хизмат бурчини ўтаб келаётган ёш ходимларимиз орасида ҳам спортчиларимиз кўпчиликни ташкил этади. ЁХТБ 3-ҲЁХО 13-ҲЁХҚ бошлиги ўринбосари, лейтенант Лазиз Абдуллаев ва сафдор Шерали Абдураимов ана шундай ёшларимиздан. Жорий йилнинг 11-14 октябрь кунлари Навоий шаҳрида қўл жанги бўйича республика очиқ чемпионатида улар фаол қатнашиб, ғолиблар қаторидан ўрин олишди._**

Лейтенант Лазиз Абдуллаев Навоий шаҳрида таваллуд топган. У оиланинг кенжа фарзанди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларданоқ спортга меҳр қўйди. Дарсдан бўш қолди, дегунча мактабнинг спорт залига кириб, кечга қадар ўз устида мунтазам шуғулланарди. Унга спортнинг қўл жанги тури бўйича Карим ака Холиқов устозлик қилди. Лазиз ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, келгусида акаси майор Дилшод Абдуллаев сингари офицер бўлиш истаги билан республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирди.

Олий мактабда ўқиб юрган пайтларида ҳам спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Бу ерда ўқитувчи, майор Мурод Худойқулов устозлик қилди. Умидли спортчи аста-секин республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллай бошлади. Ўтган йили мазкур олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлагач, йўлланма билан келди ва уни НТМК ЁХТБ 3-ҲЁХО 13-ҲЁХҚ смена бошлиғи этиб тайинладик. Ундаги иқтидорни, вазифасига бўлган масъулиятли эканлигини ҳисобга олиб, қисм бошлиғининг ўринбосари вазифасига тайинланди.

Лейтенант Лазиз Абдуллаевнинг спортда эришган ютуқларини санаб чиқадиган бўлсак, унинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради. У 1999 йилда Туркманистонда ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро турнирда фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Ўша йили Бухоро шаҳрида ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ҳам ғолиб бўлди. 2004 йилларда Навоий шаҳрида қўл жанги бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида фахрли иккинчи ўринга муносиб топилди. Шунингдек, у республика «Динамо» ЖТСЖ томонидан ташкил этилган қўл жанги мусобақаларида бир неча бор совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлди. Андижон шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган қўл жанги мусобақаларида 80 кг. вазн тоифасида, Тошкент шаҳрида спортнинг у-шу тури бўйича республика чемпионатида саньшоу йўналиши бўйича ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Сафдор Шерали Абдураимов ҳам иқтидорли спортчиларимиздан. У ҳам мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ спортнинг қўл жанги бўйича шуғуллана бошлаган. Навоий шаҳрида ўсмирлар, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришган. Тошкент, Фарғона шаҳарларида ўсмирлар, ёшлар ўртасида қўл жанги бўйича ўтказилган очиқ мусобақаларда фахрли ўринларга лойиқ, деб топилди. У қандай мусобақада иштирок этмасин, ўз вазн тоифасида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.



Интилганга толе ёр, дейишади. Лейтенант Л. Абдуллаев ва сафдор Ш. Абдураимов нафақат спортда, балки хизматда ҳам бошқа ҳамкасбларга ўрнак бўлаётган тиришқоқ ходимлардан. Ўз хизмат бурчига виждонан ёндашувчи, ҳам фидойи, ҳам спортчи бу ходимларимиздан умидимиз катта.

**Асад ПЎЛАТОВ,**
**полковник.**

**Суратда:** сафдор Ш. Абдураимов ва лейтенант Л. Абдуллаев.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА



# СОҒЛОМ ТИШЛАР – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Маълумки, инсоннинг тиши ҳам ҳусн ҳисобланади. Оппоқ, садафдек текис ва бенуқсон тишлар саломатликни ҳам таъминлайди, кишига гўзаллик бахш этади. Шифокорларнинг таъкидлашича, тишлари соғлом одамнинг ички организмларида ҳам ҳеч қандай касаллик бўлмас экан.**

ИИВ Стоматология поликлиникасининг ортопедик стоматология бўлинмаси ходимлари айнан тиш қаторларининг нуқсонларини тиклаш, аномалия тўғрилаш билан шуғулланишади. Бўлинманинг мавжуд тиш техникалари лабораториясида замонавий хорижий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда металлокерамик протезлар тайёрланади, тиш қаторлари нуқсонларини тўғрилаш бўйича изланишлар олиб боришади.

– Янгилик – тараққиётнинг асосий омилидир. Шундай бўлгач, уни тўғри қабул қилиб, амалда самарали қўллай билиш соҳа ривожига туртки бўлади, – дейди бўлинма бошлиғи, катта лейтенант Шоҳрух Султонов. – Ходимларимиз Корея — Ўзбекистон ҳамкорлигидаги Халқаро стоматологик хизмат ва ANDC техника мактабида қуйма тишлар, металлокерамик протезлар тайёрлаш мутахассислиги бўйича ўз малакаларини оширяптилар. Қувонарлиси, улар ўз тажрибаларини амалиётда қўллаб, беморлар таҳсинига сазовор бўлишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 70 нафарга яқин беморнинг тишлари ортодонтик даволанди. Тиш қаторларидаги нуқсонлар брекет тизими ёрдамида тўғриланди. 800 нафардан ортиқ беморнинг тишлари ортопедик даволанди, яъни металлокерамик протезлар ясаб берилди. Бу протезлар табиий тишларга ўхшайди. Кулганда, гапирганда сунъийлиги билинмайди. Агар ундан қоидага мувофиқ тарзда фойдаланилса 10 йилгача хизмат қилиши мумкин. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли даволаниш ҳуқуқига эгадирлар.

Бўлинманинг тажрибали, олий тоифали ортопед-шифокорлари Рустам Муталов, Бахтиёр Ҳожимуродов, ортопед-ортодонт Зайниддин Низомов, тиш техникалари лабораторияси мудири Баҳодир Йўлдошев каби ходимлари ёшларга ўз тажрибаларини ўргатишади, йўл-йўриқ беришади. Катталарга ҳурматда, ёшларга эътиборда бўлган бу жамоанинг фаолияти мақтовга арзигулик. Шу ўринда тиббиётимиз маликалари – ҳамшираларнинг ҳам хизматини айтиб ўтиш жоиз. Катта ҳамшира Саломат Шаҳобиддинова бошчилигидаги бўлинма ҳамшираларининг саришталиги, ўз ишига бўлган меҳри туфайли шифокорлар ҳам, беморлар ҳам улардан миннатдор.

Замонавий хорижий асбоб-ускунлар билан жиҳозланган хоналар озода ва шинам. Кимдир тишлар учун протезлар ясаяпти, кимдир тайёр протезларни кўздан кечираяпти, хуллас иш қизғин.

– Бу ерда хизмат қилаётган шифокорларнинг қўли енгил, маҳорати юқори. Тишларни оғриқсиз даволаши таҳсинга лойиқдир, – дейди подполковник А. Абдуғаниев.

– Тишларим менинг асосий муаммом эди. Шифокор Зайниддин Низомовнинг муолажаларидан сўнг тишларим янада соғломлашди, – дейди капитан В. Суднёв.

Ўз касбини севиш, шу орқали инсонлар корига ярашни ният қилганлар асло кам бўлмайди. Ушбу бўлинма ходимлари каби иши унумли, ўзи ҳурматли бўлишнинг ҳам асосий сабаби шу бўлса керак.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

**Суратда:** ортопедик стоматология бўлинмаси олий тоифали шифокори З. Низомов ва ҳамшира Э. Эргашева муолажа пайтида.
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**



